**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ”**
**“ИҚТИСОД” КАФЕДРАСИ**

**Ҳимояга руҳсат этилди**
**Кафедра мудири**
**__________________**
**“_____”___________2011 й**

# АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ БАҲОЛАШ

**мавзуида**

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**


**БИТИРУВЧИ** **Исломов Р.Ғ.**

**ИЛМИЙ РАҲБАР** **Абидова Х.А.**

**ТАҚРИЗЧИ** **и.ф.н., доц. Ибрагимов А.Х.**

**ҲФХ** **Қодиров Ф.М.**


**ТОШКЕНТ - 2011**

Битирув малакавий ишда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, Ўзбекистонда уяли алоқа бозорини ривожлантиришга бўлган интилиши ўрганилган. Шу билан бирга уяли алоқа операторларининг тариф сиёсатига бағишланган бўлиб, компанияларнинг ўсиш даври ва фаолиятининг иқтисодий кўрсатгичлари кўрсатиб ўтилган,  хамда Ўзбекистон уяли алоқалари бозорида амалга оширилаётган тарифларни таҳлил қилиниб, компаниялар ўртасидаги рақобат тадқиқ қилинган.

В выпускной квалификационной работе  изучены развитие информационно-коммуникационных технологии, стремление к развитию рынка сотовой связи в Узбекистане. Также рассмотрены тарифная политика операторов сотовой связи, показаны период роста компании и экономические показатели их деятельности. В том числе, проанализированы тарифы рынка сотовой связи Узбекистана и исследованы конкуренция между компаниями.

In this qualification work aspiration to progress of the market of cellular communication in Uzbekistan are studied progress information-communication. Also are considered the tariff policy of operators of cellular communication, the period of growth of the company and economic performance of their activity are shown.Including, and it is analysed tariffs of the market of cellular communication of Uzbekistan, are investigated a competition between the companies

**КИРИШ**.............................................................................................

**1. ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ** .................................. **10**

1.1. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва камчиликлари ............................................................................ 10

1.2. Ўзбекистонда мобил алоқа бозорининг ривожланиши ...................... 16

**2. ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИНИНГ НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СИЁСАТИ** ............................................................ **30**

2.1. Алоқа операторларининг тариф режалари ва хизматлари: “МТС” ОАЖ ва “Билайн” (“Вимпельком”) ОАЖ .......................................... 30

2.2. Алоқа операторларининг алоқа сифати: стандартлар ........................ 42

**3. ЎЗБЕКИСТОНДА АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ТАРИФЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ** ........................................................ **53**

3.1. Ўзбекистон уяли алоқа операторлари тариф режаларини солиштириш ........................................................................... 53

3.2. Алоқа операторлари орасидаги рақобат таҳлили ........................... 60

**4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ** ......................................... **65**

4.1. Ишлаб чиқаришда ҳаво муҳитини яхшилаш чоралари .................. 65

4.2. Ёнғин ҳавфсизлиги ........................................................................ 75

**ХУЛОСА**............................................................................................ **83**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** ............................ **85**

**ИЛОВА** **91**

## Кириш

Мулоқотга интилган инсон, унинг алоқага бўлган иштиёқи коммуникация технологияларини пайдо бўлишига олиб келди. Оддий, бир тарафлама бўлган алоқа воситаларидан бошлаб, яъни телеграф ва радиодан бошлаб, мураккаб ва қулай бўлган алоқа воситалари, телефон, радиотелефон ва мобил телефонларини пайдо бўлишига инсониятнинг бу соҳани ривожлантиришга бўлган иштиёқи сабабчидир. Бу албатта, ҳали ҳаммаси эмас, ҳозирги кунда шундай технологиялар борки, улар мобил алоқани махсус компьютер дастури орқали боғлаб уни видеотелефонга, яъни учинчи давр технологиясига айлантириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Пресиденти И.А. Каримовнинг 2005 йил 8 июлдаги № ПФ - 117 сонли "Ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг қўшимча чора тадбирлари" тўғрисидаги фармонини амалга оширишда, Республикамизда Ахборот – коммуникация технологиялари соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида бир неча мобил операторлари энг замонавий бўлган уяли алоқа турлари билан абонентларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу мобил операторлари, яъни компаниялар бир бирлари балан ҳар бир мижоз учун рақобат олиб боришмоқда. Уяли телефон орақали энди фақатгина сўзлашибгина қолмасдан, балки матн жўнатиш ва мултимедияли матн юбориш, видео файлларни юбориш имкониятига эга бўлаяпмиз, шунингдек овозли почта хизмати ва интернетга чиқиш хизмати абонентларга тақдим этилмоқда.

Ҳар доим алоқада бўлиш бу жуда қулайдир, чунки фақатгина уйда ёки иш хонадагина алоқада бўлиб қолмасдан, балки кўчада юрганда, транспорт воситасида алоқада бўлиш мижозларга кўпгина имкониятларни яратиб беради. Бу масалани ечувчиси уяли телефон ҳисобланади. Уяли телефон, мулоқотга чуда қулай, оснгина хамёнга жойлашади ва бизга узимиз истаган одам билан ҳоҳлаган жойда ва ҳоҳлаган вақтда гаплашиш имкониятини беради. Кўпгина тадбиркорлар ёки иш билан банд одамлар учун, уяли телефон кўпгиан муаммоларни ҳал қилувчи воситага айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда хеч кимни уяли телефон билан ажаблантириб бўлмайди, деярли ҳар бир талаба узининг уяли телефонига эга, лекин шунга қарамасдан уяли телефон энг қиммат алоқа воситаларидан бири бўлиб келмоқда. Бу диплом ишимни ёзишдан мақсад – алоқа хизматларига нархларни шакллантириш механизмларига баҳо бериш, Ўзбекистонда иш юритаётган энг қулай бўлган уяли алоқа компаниясини танлаш, яъни алоқа сифати ҳам, харажатлари ҳам энг кам бўлган компанияни танлашга ёрдам беришдир.

Диплом иши тўртта бобдан иборат, биринчи бобда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши кўриб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистонда уяли алоқа бозорини ривошлантиришга бўлган интилиш ёзиб ўтилган. Иккинчи боб Ўзбекистонда иш юритаётган уяли алоқа операторларининг тариф сиёсатига бағишланган бўлиб, шу билан бирга, компанияларнинг ўсиш даври ва фаолиятининг иқтисодий кўрсатгичлари кўрсатиб ўтилган. Учинчи бобда, Ўзбекистон уяли алоқалари бозорида амалга оширилаётган тарифларни таҳлил қилиш, шунингдек компаниялар ўртасидаги рақобат кўрсатиб ўтилган. Тўртинчи бобда эса ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги хусусида гап боради.

## 1. ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

## 1.1. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва камчиликлари

Ўзбекистонда АКТ ривожланиши ва кенг тарқалиши қандай афзалликлар беришини яхши англаб, бу масалага айниқса кейинги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Биринчи навбатда, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун бир қанча қонун ва қонун ости ҳужжатлари асосида зарур ҳуқуқий база ҳамда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни бошқариш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш билан шуғулланувчи тегишли органлар ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда АКТни ва Интернет тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган бир қанча миллий дастурлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Хусусан, "2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури", "2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастури" ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси ҳам мамлакатда АКТни ривожлантиришда фаол қатнашаяпти. Мазкур уюшма АКТ секторига мансуб корхона ва ташкилотларни ихтиёрийлик ҳамда тенг ҳуқуқлилик асосида бирлаштирган бўлиб, ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хусусий сектор сиёсат ва қонунчиликни шакллантириш ва амалга оширишда янада фаол қатнашиши, илмий ва амалий фаолият олиб бориш, уюшма аъзолари ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлаш, шунингдек ахборот технологиялари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби масалаларда кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш суръатлари, биринчи навбатда, тегишли инфратузилма яратилиши ҳамда фойдаланувчилар унга кира олиши даражасига боғлиқдир.

Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича бир қанча лойиҳалар амалга оширилганлиги

республика минтақаларида ахборот узатиш рақамли технологияларидан фойдаланиш кўламларини кенгайтириш, CDMA стандартидаги симсиз радиоалоқа тизимини жорий этиш имконини берди.

Ҳозирги вақтда республикада WiMAX технологиялари бўйича кенг полосали симсиз уланиш тармоқларини, шунингдек Wi-Fi технологиялари бўйича симсиз уланиш тармоқларини янада ривожлантириш ишлари олиб борилаяпти.

Шарҳда уй шароитида ва ишлаб чиқаришда АКТдан фойдаланиш тўғрисида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни сўроқлаш натижалари асосида ўтказилган тадқиқот маълумотлари берилган. Маълум бўлишича, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун анчагина резервлар бор экан.

Масалан, қишлоқ жойлардаги уй хўжаликлари орасида сўроқлаш тадбири ўтказилганда сўроқланган уй хўжаликларининг 8,8%да компютерлар, 1,8%да Интернет тармоғига кириш имконияти борлиги аниқланди. Бу ҳолат, кўп жиҳатдан, қишлоқ жойлардаги сўроқланган хўжаликларнинг 38,8%да уй телефони ёки мобил алоқа воситаси йўқлиги натижасидир. Шаҳарлардаги аҳвол яхшироқ бўлиб, компютер эгаларининг қарийб тўртдан бир қисми ўз уйидан туриб Интернет тармоғига кира олар экан. Уларнинг 11,2% эса алоқа воситалари йўқлиги сабабли Интернет тармоғига уланиш имконига эга эмас эканлар. Демак, уй телефонлари ва мобил алоқа, шунингдек Интернет тармоғига симсиз уланиш тармоқлари ривожлантирилса, АКТдан фойдаланувчилар сони анча кўпаяди.

Ишловчиларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имконияти анча кўпроқ. Сўроқлаш тадбиридан кўриш мумкинки, кўпчилик респондентларда иш жойида шахсий компютери бор ёки улар компютердан ўз ҳамкасблари билан биргаликда фойдаланадилар. Бунинг устига, шаҳарда ва қишлоқ жойларда ишловчилар орасида иш жойида компютердан фойдаланиш кўрсаткичлари орасидаги фарқ унчалик катта эмас. Шуниси қизиқарлики, сўроқлаш натижасида аниқланишича, иш

жойида компютердан фойдаланиш имконияти ишлаётган аёлларда фоиз ҳисобида олганда эркакларга нисбатан кўпроқ экан. Бундан ташқари, шаҳардаги ва қишлоқдаги фойдаланувчилар бир ҳафта мобайнида компютердан қанчалик кўп фойдаланиши мутаносиблигини таққослаш мумкин.

Респондентлар компютердан асосан қандай мақсадларда фойдаланишларини тадқиқ этиш натижаларига келсак, булар асосан: бўш вақтни кўнгилли ўтказиш – 69,4%, ҳужжатлар (матнлар ва электрон жадваллар) билан ишлаш – 41,2%, ўргатувчи дастурлар билан ишлаш – 36,5%, Интернет тармоғига кириш – 17,6%. Охирги кўрсаткич шундан далолат берадики, компютерлар эгалари ҳозирча замонавий АКТнинг барча имкониятларидан фойдаланаётгани йўқ. Масалан, сўроқланган шахсий компютер фойдаланувчиларининг 1,9% хеч бўлмаса бир марта он-лайн харидларини амалга оширганлар. Ваҳоланки, ҳозир бундай харид усули кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган.

Сўроқланган шахсий компютер фойдаланувчиларининг 67,4% ҳеч қачон Интернет тармоғида ишламаганликларини, 4% эса кейинги 12 ой мобайнида бу тармоққа кирмаганини билдиргани ҳам юқоридаги ҳолатни тасдиқлайди. Бунинг сабабларидан бири шундаки, Интернет тармоғининг афзалликлари ҳали кўпчиликнинг онгига сингимаган. Чунончи, фикри сўралганларнинг 33,6% уларда Интернет тармоғига уланишга эҳтиёж ёки бундан манфаатдорлик йўқлигини маълум қилдилар. Сўроқланганларнинг 14,5%ни эса Интернет тармоғига кириш хизматлари қимматлиги “чўчитмоқда”.

Шарҳнинг алоҳида бир боби хўжалик юритувчи субъектлар АКТдан фойдаланишига бағишланган. Сўров натижаларидан кўриш мумкинки, улар орасида кўпчиликнинг компютер техникаси билан жиҳозланиш даражаси ҳали унча юқори эмас. Шахсий компютерлардан энг кўп фойдаланиш ҳоллари эса, молия муассасалари ҳамда алоқа ва коммуникация технологиялари корхоналарида қайд этилган. Лекин, компютер техникаси мавжудлиги ҳали ишлаб чиқаришда АКТдан фойдаланиш даражаси

юқорилигини кўрсатмайди. Масалан, маҳаллий ҳисоблаш тармоқларига эга ташкилотлар ва корхоналар улуши сўроқланганлар умумий миқдорининг 67% ни ташкил этди, Интранет тармоғи эса уларнинг 33%да ташкил қилинган. Экстранет тармоғи эса сўроқланганларнинг атиги 1,7%да бор. Сўроқланганларнинг бор-йўғи 22,7% “Банк-мижоз” хизматидан фойдаланмоқда.

Сўроқланган барча ташкилотларнинг 25,7% ўз ишида электрон ҳужжат алмашиш учун дастурий воситалардан фойдаланишлари аниқланди. Бироқ, батафсилроқ ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, қўлланилаётган воситаларнинг кўп қисми электрон ҳужжатлар айланиши учун ишлаб чиқилган махсус тизимлар эмас. Бу эса, тегишлича, мазкур йўналишдаги ишлар такомиллаштирилишини тақозо этади.

Интернет тармоғига кириш масаласига келсак, фикри сўралганларнинг 60% бу тармоқ ресурсларидан фойдаланмоқда. Интернет тармоғига кириш имкони бор ташкилотларнинг аксарият қисми алоқа ва АКТ корхоналарига, энг кам қисми эса энергетика, коммунал хўжалик, газ таъминоти ва санитария корхоналарига тўғри келади. Интернет тармоғига кира оладиган ташкилотлар орасида энг катта улуш хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга (қўшма ва хорижий корхоналарга) ҳамда жамоат ташкилотларига тегишли. Интернет тармоғига уланмаган ташкилотларда бу ҳолатни асосан манфаатдорлик йўқлиги, шунингдек уланиш ва ҳар ойлик тўловлар қимматлиги билан изоҳладилар.

Айни пайтда, ўтказилган тадқиқотдан кўринишича, ишни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда АКТ улкан имкониятлар беришини хўжалик юритувчи субъектларга тушунтириш юзасидан катта иш олиб борилиши лозим. Бутун дунёдаги ишбилармонлар ўз веб-сайтига эга бўлиш қандай афзалликлар беришини аллақачон тушуниб етишган. Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сўроқланган хўжалик юритувчи субъектларнинг эса атиги 21,3% да веб-сайтлар бор экан, бу курсаткич албатта етарли эмас.

Шарҳда давлат бошқаруви соҳасида АКТдан фойдаланиш катта аҳамиятга эгалиги таъкидланган. Ўзбекистонда ҳозирнинг ўзидаёқ давлат ахборот ресурслари ва тизимларининг, шунингдек давлат органлари кўрсатадиган базавий интерактив хизматларнинг реестрлари шакллантирилган. Бу реестрлар давлат билан аҳоли, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имкониятини яратиш ва оширишга турли давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар ва корхоналар ўртасида электрон ҳужжатлар айланиши тизимини ривожлантириш мақсадида тайёрланган. Бу эса, ахборот ҳамда маълумотларни алмашиш ва уларга ишлов бериш самарадорлигини, тезлигини оширади. Масалан, кейинги икки йил давомида давлат бошқаруви органларини компютер техникаси билан жиҳозлашга катта куч сарфланаяпти ва 2008 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, республика бўйича компютер техникаси билан таъминланганлик даражаси ўрта ҳисобда ҳар 100 нафар хизматчига 70,2 бирликни ташкил этди. Барча давлат бошқаруви органлари Интернет тармоғига уланилган. Давлат хизматчилари замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши даражаси ошиб бораяпти. Бунда уларнинг компютер техникаси ва периферия ускуналаридан фойдаланиш кўникмалари ҳам юксалмоқда.

Шу билан бир вақтда давлат органларини янада замонавийроқ компютерлар билан жиҳозлаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Бу, хусусан, ҳокимиятларга тегишли бўлиб, уларда эски компютер техникасини янги ускуналар билан алмаштириш жараёни нисбатан суст бораяпти. Шунингдек, электрон ҳужжатлар айланишининг тўлақонли тизимларини ҳам фаолроқ жорий этиш зарур. Сабаби, ҳозирги вақтда идоралараро оборотда давлат органларининг қоғозсиз ҳужжат айланиши улуши жуда паст даражада бўлиб, атиги 21 фоизни ташкил этаяпти.

Давлат интерактив хизматлари ҳақида сўз борар экан, масалан, ҳозирги вақтда Интернет тармоғидан фойдаланувчи ҳар бир шахс Ҳукумат портали орқали муайян ахборотни олиш имконига эгалигини таъкидлашимиз мумкин.

Ушбу портал 2003 йилда ишлаб чиқилган ва Интернет тармоғига киритилган эди.

У, шак-шубҳасиз, давлат билан жамият ўртасидаги ҳамжиҳатлик янада чуқурлашиши ва кенгайишида ёрдам беради. Ҳозирги кунда 61та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органидан 58таси ўзининг веб-сайтларига эга. Шу билан бирга, шарҳда, хусусан, умуман давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари веб-сайтларининг деярли 37,7тасида идоранинг жорий фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳар ҳафтада янгилаб туриш
режими йўқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2008 йил 21 майдаги 102-сон Қарорига мувофиқ, электрон тижорат тизими транзакцияларида олинган кўчирмаларни (“электрон чеклар”ни) банк терминалларининг чекларига тенглаштириш кўзда тутилган. Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича тўловларни ўтказиш ва солиққа тортиш тартиби юридик шахслар электрон тижорат тизими орқали товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаши жараёнида қўлланилади. Бу, ўз навбатида, субъектлар, яъни электрон тижорат чакана тўлов тизими иштирокчилари доирасини аниқ белгилашда, амалга оширилаётган транзакцияларнинг тегишли ҳисоб-китоблари чиқарилиши ва назорат қилинишини таъминлашда, электрон тижорат ва электрон рақамли имзо тизимидан фойдаланувчилар сонини кўпайтиришда хизмат қилади.

## 1.2. Ўзбекистонда мобил алоқа бозорининг ривожланиши

Охирги йилларда Ўзбекистонда ва на фақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари тез суратда

ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бошчилигида Ўзбекистоннинг ривожланиши учун алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялар сиёсатини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда телекомуникация тармоғини модернизациялаштириш ва ривожлантириш бўйича бир қанча проектларни амалга оширилиши маълумотларни юборишда рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳажмини ошишини, шунингдек вилоятларда CDMA стандартидаги симсиз радиоалоқа тизимини кенгайишини таъминлаб бермоқда. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон телекоммуникация тизими 180 давлатга чиқадиган 28 та йўналишли ҳалқаро каналларга эга ва бундай алоқаларни амалга оширишда оптик-толали ва суний юлдош тизимидан фойдаланилади. Республиканинг ҳамма шаҳар ва туман марказлари рақамли телекоммуникация тармоғлари билан қамраб олинган.

Республика шаҳарлари ва туман марказлари телекоммуникацияларининг рақамли тармоқлар билан қамраб олиниши даражаси 100% га, қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича – 73% га, шу жумладан, рақамли тизимлар билан қамраб олиниши 52% га етди.

Республика бўйича телефонлаштирилган аҳоли пунктлари улуши 2008 йил 1 январдаги ҳолатга кўра:

- шаҳар ва туман марказлари – 100%
- қишлоқ аҳоли пунктлари – 73% ни ташкил этди.
- Таянч телефон аппаратлари сони сўнгги икки йилда 1 725,6 мингтадан 1 806,0 мингта бирликка етди.

**2010 йил 1 январ** ҳолатга кўра эса телефон аппаратлари сон 2043,8 тага етди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда, бешта уяли алоқа операторлари томонидан кўрсатилаётган уяли алоқа хизмати ривожланиб бормоқда. **2011 йил**га келиб уяли алоқа фойдаланувчилари 22 млн.дан ортиб кетди. Чет эл экспертларининг баҳосига кўра, Ўзбекистон қаторасига учинчи йил “уяли алоқа ривожланиши кўрсатгичи” бўйича дунё мамлакатларининг ўнталигига

киради ва шу билан бирга уяли алоқа тарифларининг қулайлиги билан ҳам дунёда еттакчи ўринда туради. Ҳозирги кунда деярли ҳамма уяли алоқа компаниялари ўз тармоқларини 3G ва WiMAX тармоқларига ўтган ёки ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириб бормоқда. Уяли алоқа абонентлари нафақат Тошкент шаҳрида ёки катта шаҳарларда, балки бутун республика бўйича, вилоятларда, туман ва қишлоқларда ошиб бормоқда.

Ҳозирги вақда республикада, юқори сифатли симсиз тармоқлардан бири WiMAX технологиясини ривожлантириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилиб бормоқда, шунингдек Wi-Fi технологиясини ривожлантириш

Агар Ўзбекистонда алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича олинган рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу соҳада ўсиш жуда юқори.




1.2.1-расм. Ўзбекистонда мобил алоқа абонентлари сонининг ўсиши.

1.2.1-расмда кўриб турганингиздек, охирги йилларда уяли алоқа абонентилари сони жуда тез суратларда ўсиб бормоқда. Агар 2008 йил бошида абонентлар сони 6 млн. кишига яқин бўлган бўлса, 2008 йил охирига келиб уяли алоқа абонентлари сони 10 млн. кишидан ортиб кетди. Уяли алоқа абонентларининг аҳолидаги қисми 33,2% ташкил қилади ва бу кўрсаткичларни Ўрта Осиё давлатлари миқёсида кўрадиган бўлсак, бу жуда юқори кўрсаткичдир. 2010 йилда эса 22 млн.дан ортиб кетти.

Ўзбекистонда уяли алоқанинг ривожланиши 2000-2001 йилларга тўғри келади. Республикада бу соҳадаги абонентлар сони бир ярим йил ичида икки




бараварга ошди ва 2001 йил охирига келиб бу кўрсатгич 100 000 киши ташкил этди. Бу соҳани ривожлантириш бўйича бир нечта хужжатлар қабул қилинди, шунингдек 2010 гача 3G ( 3 давр уяли алоқа тармоғи) тармоғини қуриш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда уяли алоқанинг бозордаги улуши асосан GSM стандартига тўғри келади. GSM тармоғи бўйича, Ўзбекистон алоқа бозорида асосан учта уяли алоқа операторлари бир бири билан рақобатлашиб келмоқда, булар ОАЖ «МТС», «Beeline» (ОАЖ “Вимпельком”) ва «Ucell» уяли алоқа операторларидир. Шунингдек, Ўзбекистонда яна иккита уяли алоқа операторлари, “Uzmobile” ва “Perfectummobile” операторлари фаолият юритмоқда. Бу иккита уяли алоқа операторларининг абонентлари сони, юқорида кўрсатиб ўтилган, ОАЖ «МТС», «Beeline» (ОАЖ “Вимпельком”) ва «Ucell» уяли алоқа операторлари абонентлари сонидан бирмунча кам, шунингдек улар фаолият юритаётган стандарт CDMA деб аталади.

2008 йил 1 январига кўра, республикадаги маҳаллий телефон тармоғи, 2 мингдан кўпроқ АТТ (АТС), умумий ҳажми 2.08 млн.та рақамдан иборат бўлган ва улардан рақамли тармоқ бўйича иш юритаётганлари 2008 йил 1 сентябрга кўра 86.1 % ташкил қилишини ҳисоблаб чиқди. Интернат тармоғига уланишни таъминлайдиган халқаро каналларнинг ўтказиш имконияти, 2008 йил 1 январга кўра 362 Мбит/с ташкил этди, бу кўрсатгич 2002 йил оҳирида 8.5 Мбит/с ни ташкил қилган эди. 2008 йил охирига келиб ўтказиш имконияти 511 Мбит/с оширилган эди.

1.2.2-расм. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлиги.

1.2.2-расмда кўриниб турибдики, халқаро ахборот тармоқларидан (ўтказиш имконияти) фойдаланиш тезлиги охирги йилларда ошиб бормоқда. Агар 2006 йил бу кўрсатгич 143 Мбит/с ни ташкил қилган бўлса, 2010 йил охирига келиб бу кўрсатгич 2560 Мбит/с ташкил этди.

Бу соҳага мисол келтириб шуни айтиш мумкинки, ўтказилган сўровномаларга кўра, қишлоқларда сўралганларнинг 8,8% да компьютер бор




ва уларнинг 1,8% интернетга уланган. Шуни эътиборга олиш жойизки, қишлоқларда сўралганларнинг 38,8% да уяли телефон ёки тармоқли телефон мавжуд. Агар шахарларни кузатадиган бўлсак, шуни кўришимиз мумкинки шаҳарларда бу кўрсатгичлар бир мунча йуқори ва деярли ҳар учта хонадонда биттасида компьютер бор, интернетга уланганларнинг сони жами компьютерга эга бўлганларнинг 25% ташкил қилади. Бу кўрсатгичлар энг юқори шаҳарлар бу Тошкент шаҳри, Самарқанд шаҳри, Бухоро шаҳри, Новоий шаҳри, Хива шаҳарларидир. Уяли алоқа воситасидан фойдаланадиганларни сони шаҳарларда жуда юқори, мисол келтириб Тошкент шаҳрини айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган деярли 2 млн. 600 минг аҳолининг 80% да уяли алоқа мавжуд. Айтиш мумкинки Тошкент шаҳрининг аҳолиси 3 млн. дан ортиқ, бу рўйхатга олинмаганларни ҳисобга олганда. Ҳозирги кунда, мактаб ўқувчиларидан тортиб қарияларгача уяли алоқадан фойдаланишмоқда, чунки бу алоқа воситаси жуда қулайдир. Чунки ота оналар фарзандларининг қаердалигидан дойим ҳабардор бўлиб туришади. Шунингдек, уяли алоқа ва ахборот коммунмкацияларининг ривожланиши, ундан фойдаланувчиларнинг сонини ошишга олиб келади.

1.2.3-расм. Интернет ва маълумот жўнатиш тармоқлари бўйича хизмат кўрсатадиган провайдер ва операторлар сони.

Хаммамиз яхши биламизки, интернетдан фойдаланиш қулайлиги ва маълумотларни жўнатиш провайдер ва операторларга боғлиқдир. Охирги йилларда республикамизда провайдерлар ва операторлар сони бир неча бор ошиб бормоқда. 1.2.3-расмда кўриб турганингиздек, 2010 йил маълумотига кўра провайдер ва операторлар сони 933 тани ташкил этмоқда. Бу кўрсатгич Ўрта осиё давлатлари орасида энг юқори кўрсатгичлардан биридир.




1.2.4-расм. Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони.

1.2.4-расмда кўриб турганингиздек, Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони 2010 йил охирига келиб 7 млн. дан ортиб кетди. Бу кўрсатгич бўйича Ў збекистон Ўрта Осиёда Қозоғистон Республикасидан кейин иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг барча вилоятлари марказларида рақамли халқаро станциялар ўрнатилган, магистрал халқаро ва вилоятлараро алоқа линияларида умумий узунлиги 10 000 километрга тенг бўлган толали-оптик кабель ва рақамли радиорелейли линиялар ўтказилди. 430 та телевизион ва 116 та радиоузаткичлар модернизация қилинди ва ўрнатилди, республика худудларида CDMA стандартли симсиз радиофойдаланиш

тизими жорий этилди. Маълумотлар узатиш бўйича миллий тармоқни модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 240 та замонавий маълумотлар узатиш боғламаси яратилди, миллий маълумотлар узатиш тармоғи мамлакатнинг барча вилоят ва туман марказларини қамраб олган.

2005 йилда Женевада Радиоалоқа бўйича минтақавий конференцияда Рақамли эшиттиришни ривожлантириш бўйича режа қабул қилинди, унда Ўзбекистон учун 817 та частотали ажратма берилиши кўзда тутилган. Ушбу режани амалга оширишга тайёрланиш мақсадида 2008 йилда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида рақамли телевизион эшиттириш тажриба ҳудудларини яратиш режалаштирилган. Ундан сўнг рақамли эшиттириш барча вилоят марказларини қамраб олади, 2015 йилга келиб бутун республика бўйича тўлиқ рақамли эшиттиришга ўтиш мўлжалланмоқда.

Республикада «Радиочастотали спектр тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш доирасида радиочастотали спектрдан (РЧС) фойдаланишни тартибга солиш бўйича катта ишлар амалга оширилди, бу борада республика ҳудудида ундан фойдаланиш тартиби ва жарёни бўйича 10 та қонун ости ҳужжати (меъёрий ҳужжатлар) қабул қилинди ва радиоэлектрон воситалар техник кўрсаткичлари бўйича 11 та давлат стандартлари ва меъёрлари қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда республикада фойдаланиладиган радиочастотали спектр назарий жиҳатдан ҳар қандай давлатда қўлланилиши мумкин, шу сабабли республика манфаатларини ҳимоялаш мақсадида РЧС дан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, сўнгги ўн йил давомида Халқаро электралоқа иттифоқида (ХЭИ) республиканинг 7 мингга яқин радичастотали ўзлаштиришлар рўйхатга олинган. Бу эса мамлакатимиз алоқа воситалари ва тизимларига бошқа давлатларнинг йўлдошли ва ер усти радиохизматлари томонидан билмаган ҳолда халал бериш имкониятини бартараф этади.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларидан тушадиган фойда ва имкониятлар ҳаммага аёндир, ва ахборот-коммуникация технологияларига ўлкамизнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ёрдам берадиган янги имкониятлар яратувчиси сифатида қаралмоқда.

Ҳаммамизга маълумки 1992 йили Тошкентда, Ўзбекистонда ҳудудида биринчи бор уяли алоқа телефони орқали қўнғироқ амалга оширилганди. Бу воқеа Ўзбекистонни янги уяли алоқа даврига ўтишни асослаб берди. Бу воқеадан сўн ўн олти йилдан кўпроқ вақт ўтди, ва шу вақт оралиғида Ўзбекистон уяли алоқа бозори бир қанча босқичларни босиб ўтди.

Сўнгги пайтларда уяли алоқа бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда уяли алоқа бозорида 5 компания фаолият юритмоқда, булар – «Уздунробита» ХК («МТС Узбекистан» савдо маркаси, GSM стандарти), ООО UNITEL («Билайн» савдо маркаси, GSM стандарти), «COSCOM» ОАЖ ХК (UCell савдо маркаси, GSM стандарти), Rubicon Wireless Communication ҚК (Perfectum Mobile савдо маркаси, CDMA стандарти) ва «Ўзбектелеком» АК филиали «Узбектелеком Мобайл» (UzMobile савдо маркаси, CDMA стандарти).

Уяли алоқа абонентлари сони жадал суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Жумладан, агар 2005 йил ноябрида мамлакатда уяли алоқанинг биринчи миллиони рўйхатга олинган бўлса, 2007 йилнинг бошига келиб, уларнинг сони 2,7 миллионга етди. 2007 йил давомида абонентлар сонининг ўсиши 216,5% ни ташкил этди ва бу кўрсаткич 5,9 миллионга етди. 2008 йилнинг январида уяли алоқа абонентлари сони 6 миллиондан ошди, 2008 йил биринчи ярим йиллигининг охирига келиб - 9 миллиондан ошиб кетди.

Абонентлар сонининг ўсиб бориши айниқса Ўзбекистон ҳудудларида яққол кузатилмоқда, бунда операторларнинг саъй-ҳаракатлари қамров ҳудудини кенгайтиришга ва хизматлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.




1.2.5-расм. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича абонентлар сони ва уяли алоқанинг кириб бориши даражаси

Абонентлар сонининг жиддий ўсишини уяли алоқа операторлари бўйича ҳам яққол кузатилади. Айни пайтда 2007 йилда 2006 йилга нисбатан «Билайн» савдо маркаси бозор улушининг кўпайиши билан бирга «МТС» савдо маркаси бозор улушининг пасайиши кузатилган.

а)






***б)***
***2010 йил***

1.2.6-расм. Абонентлар сони ва уяли алоқа операторларининг бозор улуш

Сўнгги 2 йилда Ўзбекистон уяли алоқа бозорига иккита янги инвестор кириб келди. Уларнинг бири «Вымпелком» (Россия) бўлиб, у 2006 йилнинг бошида «Unitel» ОАЖ, кейинчалик «Бакри Узбекистан Телеком» ОАЖ акцияларининг 100% ни сотиб олди, ва уларни битта компанияга бирлаштирди. Иккинчиси «Telia-Sonera» (Швеция-Финляндия), у 2007 йилда «COSCOM» ҚК нинг 99,97% га эгалик қилувчи Американинг «MCT Corp.» компаниясини харид қилди. Бундан ташқари, Россиянинг “Мобильные ТелеСистемы” компанияси (МТС) 2007 йилда «Уздунробита» ХК акцияларининг 26% ни харид қилди ва ўзининг компаниядаги улушини 100% га етказди («Avesta Research» АЦ маълумотлари).

2007 йилда Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси томонидан «Уздунробита» ХК («МТС – Узбекистан») операторига келгуси авлод мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш учун қўшимча тармоқлар ажратишга қарор қилинди. Айни пайтда мобил телефон реал вақт режимида турли-туман маълумотларни: нутқ, матн, катта ҳажмли маълумотлар, видеотасвирлар узатиш, Интернет ва телеэшиттириш тармоғидан фойдаланиш бўйича универсал воситага айланмоқда. Базавий хизматлар инфокоммуникация хизматларининг хилма хил турлари билан бойитиб борилмоқда.

Деярли барча уяли алоқа компаниялари ҳозирги кунда Ўзбекистонда 3G ва WiMAX тармоқларини кенгайтириш бўйича ишлар олиб бормоқда. KT (Korea Telecom) ва Sumitomo Corporation глобал компаниялари сармоялари ҳисобидан ташкил этилган “Super iMax” компанияси биринчи бўлиб 2008 йил сентябридан EVO тижорий лойиҳаси ишга туширилганини эълон қилди — у Ўзбекистондаги WiMAX қатъий белгиланган мобил алоқа тизими операторидир. Белгиланган WiMAX стандарти 802.16d тармоғи Тошкент шаҳрида, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида ва Тошкент шаҳрида мобил WiMAX (802.16e) тармоғи фойдаланишга топширилмоқда.

2006-2007 йиллар давомида уяли алоқа операторлари томонидан уяли алоқа хизматлари тарифларининг пасайтирилиши кузатилди. Бунга энг яққол мисол республика бўйича жисмоний шахслар учун сўзлашув қийматининг бир дақиқаси тариф режалари асосида абонетлик тўловсиз камайтирилиши бўлди. Хусусан, «UNITEL» («Билайн» савдо маркаси) таклиф этаётган «Шаҳар» режасида суҳбатнинг бир дақиқаси қиймати 2006 йилдаги 0,084 АҚШ долларидан дан 2008 йилда 0,036 долларгача камайди (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда). «Уздунробита» операторида бу даврда суҳбатнинг бир дақиқаси қиймати 2006 йилдаги 0,08 АҚШ долларидан («ТАЙМ» тариф режаси) 2007 йилда 0,03 АҚШ долларига камайди («ЭРКИН» тариф режаси). Хизмат кўрсатишнинг корпоратив режаларида ҳам абонентлик тўлови камайди. Масалан, бепул 500 дақиқали «Корпорация 500» («Уздунробита») режаси бўйича абонентлик тўлови 12 АҚШ долларидан 10 долларгача камайди (ҚҚС ни эътиборга олган ҳолда). «UNITEL» компанияси 2006 йилда ойига 32,5 АҚШ доллари эвазига 500 бепул дақиқали «Миллениум» тариф режасини таклиф этган эди. 2007 йил июнидан бошлаб компания корпоратив мижозлар учун янги тариф режаларини таклиф этди, ва «Менеджер 1» режасига кўра, ойига 500 дақиқалик суҳбат учун абонент 12 АҚШ долларини тўлайди (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда). Ўзбекистон бўйича SMS хабарларнинг қиймати 1 та хабар учун 0,03 АҚШ долларидан 0,02 долларга камайган.

Уяли алоқа хизматлари тарифларининг пасайтириш амалиёти 2008 йилда ҳам давом эттирилди. Жумладан, деярли барча GSM стандартида хизмат кўрсатаётган операторлар, кунига 0,10 АҚШ доллари атрофида абонент тўловли, барча кирувчи қўнғироқлар бепул бўлган тариф режаларини таклиф эта бошладилар. Бир дақиқа сўзлашувнинг баҳоси ҳам пасайтирилди.

Уяли алоқа хизмати бозори сўнгги пайтларда жадал суръатларда ривожланиб боряпти. Уяли алоқа абонентлари сони 2008 йил декабрида деярли 600 мингга ўсди. Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси маълумотларига қараганда, 2009 йилнинг 1 январ кунига келиб, Ўзбекистонда уяли алоқа абонентлари сони 10,65 млн.дан ошди. 2008 йил декабрида янги абонентлар сони 592 мингдан ошиб кетди. 2005 йил ноябрида Ўзбекистонда бир миллионинчи уяли алоқа абоненти қайд этилган эди. 2007 йил бошида улар сони 2,7 млн. га етди. 2007 йил давомида бу кўрсаткич 5,9 млн. ни ташкил этди. 2008 йил январида уяли алоқа абонентлари сони 6 млн. дан ошди, 2008 йил декабрида эса 12 млн. га етди. **2011 йил баҳорида** 22 млн.дан ошди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бешта компания уяли алоқа бозорида хизмат кўрсатади. Улар "Uzdunrobita" ("МТС Узбекиан" савдо белгиси, GSM спандарти), "Unitel" МЧЖ ("Beeline" савдо белгиси, GSM стандарти), "Coscom" МЧЖ ("UCell" савдо белгиси, GSM стандарти), "Rubison Wireless Communication" ("Perfectum Mobile" савдо белгиси, CDMA стандарти) ва "Ўзбектелеком" АК филиали "Ўзбектелеком Мобайл" ("UzMobile" савдо белгиси, CDMA андарти).

Шуни айтиб ўтиш керакки, бошида Ўзбекистон уяли алоқа бозори жуда секин ривожланиб бормоқда эди. Бир неча операторлар фақатгина республикамизнинг марказий ҳудудларида, яъни Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида иш юритаётган эди. Республиканинг бошқа вилоят ва туманларида 1994-1995 йиллардан бошлаб уяли алоқа операторлари ишлай бошлади. Ўша пайтда уяли алоқа операторлари NMT-450 ва AMPS

стандартлари бўйича иш олиб бораётган эди. Уяли алоқага бўлган талаб фақатгина бошқарув ва ишлаб чиқариш марказларидагина юқори эди. Шунинг учун, республиканинг барча ҳудудларида уяли алоқа хизматини олиб бориш учун керак бўладиган лицензия ҳеч кимга керак эмас эди.

Вазият, фақатгина 1996-1998 йилларга келиб ўзгара бошлади. Чунки бир неча ҳорижий инвесторлар ўзларининг уяли алоқа компанияларини малакатда оча бошлашганди. Мамлакатда «Coscom» ва «Unitel» номли компаниялар “Uzdunrobita” билан рақобатлаша бошлашди.

Ўзбекистонда уяли алоқа бозорининг ривожланиши 2000-2001 йилларга тўғри келади. Мамлакатда бу соҳа бўйича “портлаш” содир бўлди десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон 2001 йилга келиб абонентлари сони бўйича Ўрта Осиё давлатлари орасида биринчи ўринга чиқиб олди. 2006 йилга келиб уяли алоқа обанетлари сони 2 млн. 750 кишига етди.

Ҳозирги кунда уяли алоқа бозорида 5 та мобил операторлари хизмат кўрсатишни давом эттирмоқда. Бу уяли алоқа операторларининг уяли алоқа бозорида ўз ўрнини тутиш, албатта компаниянинг олиб бораётган сиёсатига боғлиқдир.

Мамлакатда уяли алоқа бозорини ривожлантириш учун қуйидаги факторларга эътибор қаратиш лозим:

1) Вилоят ва туманларда уяли алоқа обонетлариниг ўсиши. Агар Ўзбекистонда уяли алоқа абонетларининг тез суръатда ўсишини хисобга оладиган бўлсак, бу соҳа бўйича мутахассисларнинг фикрича, вилоят ва туманларда абонентлар базасининг ўсиши шаҳардагиларникидан бир неча юқори.

2) Уяли алоқа операторлари активларнинг бирлашиши. Ўзбекистонда уяли алоқа операторлари сонининг ўсишига қарамасдан, мамлакатда уяли алоқа операторларининг бирлашиши содир бўлаяпти, яъни йирик ҳоижий компанияларнинг мамлакатимиздаги майда уяли алоқа компанияларини эгаллашидир. Чунки ҳозирги кунда республикадаги деярли 90% абонентларнинг ҳаммаси юқорида айтиб ўтилган учта уяли алоқа

оперторларига тегишлидир, булар "Uzdunrobita" ("МТС Узбекиан" савдо белгиси, GSM cпандарти), "Unitel" МЧЖ ("Beeline" савдо белгиси, GSM стандарти), "Coscom" МЧЖ ("UCell" савдо белгиси, GSM стандарти) лардир.

3) Тариф нархларини пасайтириш. Ҳозирда Ўзбекистонда иш юритаётган барча уяли алоқа операторлари ўз тарифларини пасайтириш билан ўзига абонетларни жалб қилмоқда, бу эса оператолар орасида рақобатни кучайтиради. Рақобат бор жойда хизмат кўрсатиш ҳам юқори бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон уяли алоқа бозорига инвестиция жалб қилиш бўйича юқори ўринларда туради. Бунга сабаб қилиб мамлакатимизда уяли алоқа соҳаси бўйича қилинаётган ўзгаришлар ва ҳорижий инвесторларга яратиб берилаётган қулайликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон уяли алоқа бозорига инвестицияларни жалб қилиш бўйича дунё мамлакатлари орасида 10 ўринда туришини пастда келтирилган жадвалда кўришингиз мумкин.

Уяли алоқа бозорига инвестицияларни жалб қилиш

1.2.1-жадвал

| **№** | **Давлат** | **Халқаро жамиятлар томонидан қўйилган балл** |
|---|---|---|
| 1 | Бангладеш | 1.01 |
| 2 | Хитой | 0.98 |
| 3 | Ҳиндистон | 0.98 |
| 4 | Индонезия | 0.90 |
| 5 | Россия | 0.89 |
| 6 | Филиппин | 0.87 |

| | | |
|---|---|---|
| 7 | Украина | 0.86 |
| 8 | Шри Ланка | 0.86 |
| 9 | **Ўзбекистон** | **0.84** |

# 2. ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИНИНГ НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СИЁСАТИ

## 2.1. Алоқа операторларининг тариф режалари ва хизматлари: “МТС” ОАЖ ва “Билайн” (“Вимпельком”) ОАЖ

1991 йил августда Алоқа вазирлиги ташаббуси билан ва Ўзбекистон республикаси ҳукумати кўмагида уяли алоқа хизматларини кўрсатувчи "Uzdunrobita" ташкил этилди. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ташкил этилган биринчи уяли алоқа компаниясидир.

2004 йил августда "Uzdunrobita" компанияси “Мобил ТелеСистемалар” ОАЖ халқаро компанияси (Россия) таркибига кирди. 2006 йил июнида, ўтказилган

ребрендингдан сўнг компания янги “МТС” бренди остида ўз хизматларини кўрсата бошлади. "Uzdunrobita" компанияси Ўзбекистондаги энг йирик мобил алоқа оператори ҳисобланади, ва GSM 900/1800 стандартида хизмат кўрсатади. “МТС”- Ўзбекистон тармоқ доираси республиканинг аксарият ҳудудини, аҳолининг 90% ортиғини, кўпчилик аҳоли пунктларини, муҳим авто ва темир йўл магистралларини ўз ичига олади.

2007 йил апрел Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги “МТС” ОАЖ компаниясининг 3G учинчи давр тармоғининг UMTS стандартида алоқа хизматларини кўрсатиш учун лицензия тақдим этди. 2008 йилнинг иккинчи ярим йиллигида МТС компанияси Тошкент шаҳрида ва республиканинг бошқа шаҳарларида янги тармоқни ишга туширишни режалаштирмоқда.

Ўзбекстонда уяли алоқа абонентлари сони билан биринчи ўринни эгаллаб турган “МТС” компанияси, аҳолига уяли алоқа хизматларин кўрсатиш бўйича биринчи ўринда турмоқда. Бунга сабаба тарифларнинг қулайлиги ва хизматларнинг сифатлилиги далилдир. “МТС” компанияси мижозларга хилма хил тарифларни таклиф этиши мумкин. Бу тарифлар аҳоли қисмининг ҳамма турларига тўғри келади, яъни ёшлардан тортиб, то ёшт катталарга, иш билармонларга, чет эл сафарига кўп чиқадиганларга ва бошқаларга тўғри келиши мумкин.

MTS

**Тарифлар**

**2.1.1-жадвал**

**Оила билан мулоқот ёки дўстлар билан суҳбатлар**

**ОИЛАВИЙ**

Ўз яқинлари билан кўп мулоқот қилувчилар учун тариф

**КЛАССНИЙ**

Болалар тариф

**Гаплашишни яхши кўраман**

**ХАММАГА САЛОМ**

Хар қандай оператор абонентларига кўп қўнғирок қиладиганлар учун фойдали таклиф

**САЛОМ**

Тез-тез қўнғирок қилувчилар ва смс хизматидан фойдаланувчиларга

**ЭРКИН СУҲБАТ**

Кун давомида телефонда гаплашадиганлар учун жуда фойдали имконият

**ЭРКИН**

Ўзининг мулоқотини чекламайдиганлар учун содда ва қулай тариф

**ДОИМО АЛОҚАДА**

Бошқа тармоқ операторларининг абонентларибилан мулоқот қилиш учун қулай тариф.

**УНИВЕРСАЛ**

Барча абонентлар учун универсал тариф режаси, қўнғирок қиладиганлар учун ҳам кўнғорок қабул қилувчмлар учун ҳам

**Имтиёзли дақиқалари бор тарифлар**

**MAXI**

Ишбилармонлар учун имтиёзли дақиқлар киритилган қулай тариф

**RED тарифлари**

**RED BASIC**

Абонент тўловсиз сониялаб нархланидиган тариф

**RED LIGHT**

Сухбатнинг 1-сониясидан нархланиш.

**RED NIGHT**

Тунги сухбатлар учун фойдали тариф

Бу тарифлар орасида энг кулайларидан бири бу “Dial’OK” тариф режасидир. Ҳозирги кунда энг кўп абонентларга эга бўлган бу тариф режаси

барча абонентлар учун универсал тариф режаси ҳисобланади, қўнғироқ қиладиганлар учун ҳам қўнғорок қабул қилувчмлар учун ҳамдир.

“Dial’OK” тариф режаси:

- Абонент тўлови кунига – 0,00 (USD)
- МТС – Ўзбекистон тармоғи ичида ва Ўзбекистоннинг бошқа мобил операторлари телефонларидан кирувчи қўнғироқлар – 0,00 (USD)
- Қолган телефонлардан кирувчи қўнғироқлар – 0,00 (USD)
- МТС – Ўзбекистон тармоғи ичида чиқувчи қўнғироқлар 1 дақиқа (USD), 3- дақиқадан бошлаб – 0,0011 (USD)
- Бошқа мобил телефонларга чиқувчи қўнғироқлар- 0,025 (USD)
- Қолган телефонларга чиқувчи қўнғироқлар – 0,025 (USD)

**Қўшимча хизматларга тарифлар**

**SMS-MMS-WAP-GPRS тарифлари (барча хизмат кўрсатиш режалари учун)**

**Барча тариф режалари учун («Klassniy» va «Korporatsiya» тариф режаларидан ташқари )**

| **SMS (1 хабар учун)** | | |
|---|---|---|
| **Чиқувчи** | | **Кирувчи** |
| **Ўзбекистоноператорлари абонентларига** | **Халқаро** | |
| 0,02 | 0,12* | Бепул |

*Хитой ва Жанубий Кореага чиқувчи SMSлардан ташқари, улар 1 хабар учун $0,20 нархланадилар

**«Klassniy» va «Korporatsiya» тариф режалари учун**

| **SMS (1 хабар учун)** | | | |
|---|---|---|---|
| **Чиқувчи** | | | **Кирувчи** |
| **МТС-Ўзбекисто тармоғи ичида** | **Ўзбекистон операторлари абонентларига** | **Халқаро** | |
| 0,01 | 0,02 | 0,12 | Бепул |

| **MMS (1 хабар учун)** | | | |
|---|---|---|---|
| **Чиқувчи** | | | **Кирувчи** |
| **Маҳаллий** | **Ўзбекистон Beeline ва Ucell абонентларига** | **Халқаро** | Бепул |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 0,05 | 0,10 | 0,40 | |

| **WAP** | | **GPRS орқали Интернет (1 mb учун)** |
|---|---|---|
| **GSM-канал(1 дақиқа учун)** | **GPRS (10 kb учун)** | |
| 0,10 | 0,008 | 0,16 |

**Қолган хизматлар бўйича маълумотлар иловада кўрсатилган**

Ўзбекистоннинг энг йирик мобил алоқа оператори Уздунробита ХК, "Мобильные ТелеСистемы" (NYSE: MBT) ОАЖнинг 100% шўъба корхонаси, "Мобил телевидение" хизматини ишга туширилаётганини эълон қилди.

2009 йил март ойида МТС-Ўзбекистонкомпанияси синов учун "Мобил телевидение" хизматини ишга туширган эди. Техник синовлардан сўнг компания мазкур хизматни фойдаланишга туширганини мамнуният билан эълон қилаяпти. Янги хизмат доирасида абонентларга бевосита мобил телефондан Ўзбекистоннинг икки етакчи "Ўзбекистон" ва "ТВ Марказ" телеканалларини томоша қилиш имконияти берилди.

"Компаниямиз нафақат анъанавий овозли алоқани ривожлантиришга, балки инновацион қўшимча хизматларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. "Мобил телевидение" сервисининг тижорат мақсадида ишга туширилиши абонентларимизга 3G технологияси тақдим этувчи барча устуворликларни тўлиқ ҳис қилиш имкониятини беради. Энди абонентларимиз севимли кўрсатувлар ва фильмларини ўтказиб юбормайдилар, ахир 3G тармоғи ишлайдиган барча ерда бевосита мобил телефон экранида Ўзбекистоннинг икки йирик телеканалнинг дастурларини томоша қилиш мумкин", - дейди МТС-Ўзбекистон компанияси бош директорининг тижорат бўйича ўринбосари Нуриддин Шадманов.

Хизматдан фойдаланиш учун 3G технологиясига ва Video Streaming сервисига мослашган телефонга эга бўлиш, "GPRS/WAP/MMS" ёки "Юқори тезликда 3G Интернет" хизматини активлаштириш ва 3G тармоғи амал

қиладиган хизмат доирасида бўлиш керак. Севимли телеканални томоша қилиш учун фойдаланувчи мобил телефонидан wap.mts.uz WAP-порталига кириб "Мобил телевидение" бўлимида керакли телеканални танлаши кифоя. "Мобил телевидение" хизматидан фойдаланиш нархи бир дақиқа учун 1 цент.

Ҳозирги кунда, 2009 йилга апрели ойига кўра Ўзбекистонда “МТС” операторлари сони 6 млн кишидан кўроқни ташкил этмоқда. Бу жуда юқори кўрсаткич, шунингдек “МТС” нафақат Ўзбекистонда балки Шарқий ва Марказий Оврпоа, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда.

“МТС” ўзининг стратегик вазивасини аъло даражада бажармоқда, чунки Ўзбекистоннинг миллий операторларидан бири бўлиб, шунингдек ўзининг бизнеси МДҲ ва Оврпоа давлатларида кенгайтириши, бу компанияни дунё уяли алоқа операторлари орасида юқори ўринга олиб чиқмоқда. Ҳозирги кунда МТС – ўзининг лицензион потенциалини максимал даражада ишлатиб келмаётган ягона оператордир.

Билайн

2006 йил 9 февралида, Россиянинг «ВымпелКом» ОАЖ Unitel компаниясини ўз ихтиёрига қўшиб олганди. Ўшанда Unitel компанияси абонентлари сони 400 минг кишини ташкил қилар эди. Унча кўп бўлмаган муддат ичида "Билайн" ўзига бўлган ишончи оқлади ва абонентлар сонини 4 млнга етказиб олди. Бу ҳали чегара эмас.

Ўзбекистон Республикасида "Билайн" савдо белгиси билан иш юритаётган Unitel компаниясининг 2008 йил якунларига кўра натижаларига қарасак, ў ҳолда шуни кўришимиз мумкинки, ўзгаришлар жуда юқори. 2008 учунчи чорагида йилнинг иккинчи чорагига нисбатан компаниянинг абонент

базаси 14% фоизга ўсган (2007 йилга нисбатан эса ўсиш 100% ни ташкил этади) .

Хизматлардан соф операцион тушум 58,4 млн. АҚШ долларни ташкил этди, бу дегани 2007 йилга нисбатан 94,3% юқори дегани. Бу маълумот Unitel ва «Бузтон» компаниялари ўртасида ҳисобланган. Айтиб ўтиш керакки, «Бузтон» компанияси "ВымпелКом" таркибига 2008 йилда қўшилган, яъни «Бузтон» нинг 54% акциялар пакети "ВымпелКом"га тегишлидир.

2.1.1-жадвал

| | Q2 | Q3 | Q3/Q2 ўсиш | Q32007/Q32008 ўсиш |
|---|---|---|---|---|
| Тушум | $51,9M | $58,4M | 12,7% | 93,4% |
| OIBDA | $27,8M | $33,0M | 19,4% | 95,3% |
| OIBDA margin | 53,6% | 56,5% | +3,2% | +0,5% |
| Active 3M subs Unitel | 2,754M | 3,148M | +14% | +98,4 % |

Кўрсатиб ўтилган маълумотларга кўра, 2008 йил уч та квартал бўйича, OIBDA 33 млн. АҚШ долларини, 2007 йилга учунчи кварталига нисбатан ўсиш 95,3%, а OIBDA маржаси эса 56,5% ни ташкил этди.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки алоқа тармоғи 70% оширилди, алоқа қила олиш кўрсатгичи икки мартага ошди ва кейинги уч ойлик актив обонентлар умумий базанинг 90% ташкил қилди.

Билайн

2.1.2-жадвал

*11.09.2006 йил тасдиқланган (23.03.2009й.даги ўзгаришлар билан) Оммавий офертанинг №1 Иловаси*
*Нархнома 2009 йил 24 апрелдан кучга киритилган.*
*(24.04.2009 йил 0191/09/UZ сонли буйруққа асосан)*

| Тариф режалари (2-бўлим) | Ўзимизникилар | Дўстлар |
|---|---|---|
| | Танлаш этиладиган бошланғич хизматлар:<br>маҳаллий, шахарлараро алоқа, рақамни автоматик аниқлаш, қўнғироқни кутиш, бошқа рақамга йўналтириш,<br>конференц-алоқа, SMS, халқаро SMS | |
| Кунлик абонент тўлови | 0,08 | 0 |
| Тарифлаш биринчи сониядан | 61-сониядан бошлаб сониялаб тарифлаш (60-сониягача бўлган сўзлашувлар бир дақиқага яхлитланади. 61-сониядан – сония бўйича тарифлаш амал қилади) | Дақиқа бўйича тарифлаш<br>(барча сўзлашувлар навбатдаги тўлиқ дақиқага яхлитланиб борилади) |
| **Маҳаллий алоқа хизматлари** | | **АҚШ долл./дақ.** |
| | Барча қўнғироқлар [2] | Барча қўнғироқлар [2] |
| Тармоқ ичидаги кириш қўнғироқлари [1] | 0 | 0 |
| Тармоқ ичидаги чиқиш қўнғироқлари [1] | 0,02 | 0,02 |
| Ўзбекистоннинг бошқа уяли алоқа операторлари рақамларидан кириш қўнғироқлари * | 0 | 0,04 |
| Ўзбекистоннинг бошқа уяли алоқа операторлари рақамларига чиқиш қўнғироқлари | 0,02 | 0,04 |
| Шаҳар ва халқаро рақамлардан кириш қўнғироқлари | 0,08 | 0,04 |
| Ўзбекистон бўйлаб шаҳар рақамларига чиқиш қўнғироқлари | 0,08 | 0,04 |

| **Халқаро алоқа хизмати [3]** | | | | | | | **АҚШ долл./дақ.** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ҳудуд** | **Марказий Осиё (1)** | **Бошқа МДХ давлатлари** | **Европа** | **Осиё (2)** | **Осиё (3)** | **Америка, Африка** | **Австралия** |
| Тарифлар: | 0,54 | 0,78 | 1,62 | 2,10 | 2,46 | 1,86 | 2,70 |

(1) Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон (2) Бахрейн, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия, Малайзия (3) Бошқа Осиё мамлакатлари

**Изоҳлар:**

* - компания бошқа уяли алоқа операторларининг ноаниқ ва нотўғри префиксли рақамларидан қилинган кириш қўнғироқлари учун тўловларнинг тўғрилигига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Шаҳар ва бошқа уяли алоқа операторларининг рақамлари халқаро форматда терилгандагина қўнғироқларнинг тариф бўйича тўғри баҳоланиши амалга ошади (+99897, +99892xxx-xxxx МТС-Ўзбекистон; +99893, +99894xxx-xxxx COSCOM; +99898xxx-xxxx Perfectum Mobile; +99895xxx-xxxx UzMobile).

- "уй ҳудуди" тушунчаси остида абонент уланган муайян ҳудуднинг вилояти тушунилади.
- чақирилаётган абонент томонида факс аппарати, рақамни автоматик аниқловчи мослама, автоматик жавоб берувчи мослама, модем ва бошқа мосламаларнинг ишга тушиши уланиш амалга ошганини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари қуйидаги ҳудудларга тақсимланади:

**Тошкент ҳудуди:**
Тошкент ш., Тошкент ва Сирдарё вилоятлари;

**Марказий ҳудуд:**
Самарқанд ва Жиззах вилоятлари;

**Жануби-ғарбий ҳудуд:**
Бухоро ва Навоий вилоятлари;

**Шарқий ҳудуд:**
Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари;

**Жанубий ҳудуд:**
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари;

**Ғарбий ҳудуд:**
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.

Билайн

2.1.3-жадвал

*11.09.2006 йил тасдиқланган (23.03.2009й.даги ўзгаришлар билан)Оммавий офертанинг №1 Иловаси*
*Нархнома 2009 йил 24 апрелдан кучга киритилган.*
*(24.04.2009 йил 0191/09/UZ сонли буйруққа асосан)*

## НАРХНОМА (3-бўлим)

| Тариф режалари (3-бўлим) | VIP LUX | VIP ELITE |
|---|---|---|
| | Тақдим этиладиган бошлангич хизматлар: махаллий, шахарлараро алоқа, рақамни автоматик аниқлаш, қўнғироқни кутиш, бошқа рақамга йўналтириш, конференц-алоқа, SMS, халқаро SMS | |
| Кунлик абонент тўлови | 2,17 | 3 |
| Режага киритилган кунлик бепул дақиқалар | 100 | 200 |
| Тарифлаш биринчи сониядан | Дақиқа бўйича тарифлаш (барча сўзлашувлар навбатдаги тўлиқ дақиқага яхлитланиб борилади) | |
| **Маҳаллий алоқа хизматлари** | | **АҚШ долл./дақ.** |
| Тармоқ ичидаги кириш қўнғироқлари [1] | 0 | |
| Тармоқ ичидаги чиқиш қўнғироқлари [1] | 0,03 | 0,02 |
| Ўзбекистоннинг шаҳар, халқаро ва бошқа уяли алоқа операторлари рақамларидан кириш қўнғироқлари | 0,03 | 0,02 |
| Ўзбекистоннинг шаҳар ва бошқа уяли алоқа операторлари рақамларига чиқиш қўнғироқлари | 0,03 | 0,02 |
| **Халқаро алоқа хизмати [2]** | | **АҚШ долл./дақ.** |

| Ҳудуд | Марказий Осиё (1) | Бошқа МДХ давлатлари | Европа | Осиё (2) | Осиё (3) | Америка, Африка | Австралия |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Тарифлар: | 0,54 | 0,78 | 1,62 | 2,10 | 2,46 | 1,86 | 2,70 |

(1) Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон (2) Бахрейн, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия, Малайзия (3) Бошқа Осиё мамлакатлари

**Изоҳлар:**

- компания бошқа уяли алоқа операторларининг ноаниқ ва нотўғри префиксли рақамларидан қилинган кириш қўнғироқлари учун тўловларнинг тўғрилигига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Шаҳар ва бошқа уяли алоқа операторларининг рақамлари халқаро форматда терилгандагина қўнғироқларнинг тариф бўйича тўғри баҳоланиши амалга ошади (+99897, +99892xxx-xxxx МТС-Ўзбекистон; +99893, +99894xxx-xxxx COSCOM; +99898xxx-xxxx Perfectum Mobile; +99895xxx-xxxx UzMobile);
- Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Турманистон, Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда Camel-роуминг хизмати учун ҳақ олинишини олдини олиш учун телефон аппаратида «Beeline Uz» операторининг тармоғини танлаш лозим;
- "уй ҳудуди" тушунчаси остида абонент уланган муайян ҳудуднинг вилояти тушунилади.
- чақирилаётган абонент томонида факс аппарати, рақамни автоматик аниқловчи мослама, автоматик жавоб берувчи мослама, модем ва бошқа мосламаларнинг ишга тушиши уланиш амалга ошганини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари қуйидаги ҳудудларга тақсимланади:

**Тошкент ҳудуди:**
Тошкент ш., Тошкент ва Сирдарё вилоятлари;

**Марказий ҳудуд:**
Самарқанд ва Жиззах вилоятлари;

**Жануби-ғарбий ҳудуд:**
Бухоро ва Навоий вилоятлари;

**Шарқий ҳудуд:**
Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари;

**Жанубий ҳудуд:**
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари;

**Ғарбий ҳудуд:**
Қоракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.

GPRS-роуминг хизматлари IAM (Марокаш) тармоғида ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари “Билайн”дан CAMEL-роуминг бўйича таклиф қуйидаги операторлар тармоғида ҳам мавжуд: Azerfon (Озарбайжон), Swisscom (Швейцария), TMN (Португалия) ва Go Mobile (Малта). CAMEL-роуминг “Билайн” алоқасидан фойдаланиш имконияти кафолатсиз 50 AQSh доллари тўлагандан сўнг, абонент баланси 0 AQSh доллари қолгунга қадар мавжуд. Бунда ҳисобдаги маблағлар реал вақт тартибида олинади. CAMEL-роуминг фаоллаштиришни талаб қилмайди, сабаби хизматлар телефонда автоматик тарзда ёқилган. Мазкур хизматдан, олдиндан ҳисоб-китоб қилувчи

тариф режаларини ишлатадиган, ҳисоб-рақами исталган ижобий балансда бўлган жисмоний шахслар фойдаланишлари мумкин.

2.1.4-жадвал

1- ва 2-бўлимлар учун изоҳлар:

| Махсус хизматлар | |
|---|---|
| АОН (автоматик рақамни аниқлаш) | кунлик абонент тўлови – 0 |
| АнтиАОН [4,21]<br>(ўз телефон рақамини аниқланишини тақиқлаш) | уланиш – $0,10<br>кунлик абонент тўлови – $0,10 |
| SMS [5] | абонент тўлови – 0<br>жўнатилган битта SMS нинг нархи – $0,02<br>қабул қилинган SMS нинг нархи – 0 |
| Халқаро SMS [6] | жўнатилган битта халқаро SMS нинг нархи – $0,12<br>жўнатилган битта халқаро SMS нинг нархи (бевосита келишувга эга бўлмаган операторлар/мамлакатлар билан) – $0,20<br>қабул қилинган SMS нинг нархи – 0 |
| Контент-провайдерларнинг (операторнинг) қисқа рақамлари орқали SMS ва овозли хизматлари [7] | |
| «Beeline Menu» [8] | |
| «Овозли почта» (VMS/FMS) [9] | уланиш – 0<br>кунлик абонент тўлови – $0,04<br>овозли/факсимил хабарларни эшитиш/чиқариб олиш – $0,02/дақ. ёки $0,000333/сон.<br>(тарифлаш: танланган тариф режасига биноан) |
| Қўнғироқни кутиш [10] | абонент тўлови – 0 |
| Конференц-алоқа [11] | абонент тўлови – 0 |
| Бошқа рақамга йўналтириш [12] | абонент тўлови – 0 |
| Бошқа рақамга йўналтирилган маҳаллий қўнғироқлар [12] | бошқа рақамга йўналтирилган маҳаллий қўнғироқларнинг нархи - $0,10/дақ. ёки $0,0017/сон.<br>шаҳарлараро қўнғироқлар учун қўшимча ҳақ - $0,01/дақ. ёки $0,0002/сон.<br>(тарифлаш: танланган тариф режасига биноан) |
| Халқаро роуминг (offline) [13]<br>Camel роуминг (online) [13] | халқаро роумингга уланишнинг минимал миқдори – $50 |
| 3 хизмат пакети: GPRS-Интернет, GPRS-WAP ва MMS: | Уланиш – 0<br>абонент тўлови – 0 |
| GPRS-Интернет [9,14]<br>GPRS-WAP [9,14]<br>MMS | трафикнинг фойдаланилган 1 Mb нархи – $0,36<br>трафикнинг фойдаланилган 10 kb нархи – $0,01<br>битта чиқиш MMS хабарининг нархи – $0,10<br>кириш MMS хабарининг нархи – 0 |
| Уйда Интернет [15] | уланиш – $96<br>абонент тўлови – 0<br>трафикнинг фойдаланилган 1 Mb нархи – $0,36<br>«Суҳбат устаси» тарифи учун трафикнинг фойдаланилган 1 Mb нархи – $0,15 |
| «Менинг мусиқам» [16] | уланиш – $0,20<br>кунлик абонент тўлови – $0,03 |
| «Ўзгача яша» [17] | уланиш – $0,50 |
| «Мобил пул ўтказиш» хизмати | уланиш – 0<br>ҳар бир пул ўтказиш ҳақи – $0,04 |
| «Рақамни сақлаб қолиш» [18] | кунлик абонент тўлови – $0,01 |
| **Абонент хизматлари** | |
| Қайта расмийлаштириш [19,21] | хизмат нархи – $2 |
| Тариф режасини ўзгартириш [20,21] | хизмат нархи – $0,50 |
| Телефон рақамини ўзгартириш | хизмат нархи – $1 |
| СИМ картани алмаштириш (йўқолган ёки зиён етган ҳолатда) | хизмат нархи – $1 |
| Қўнғироқлар ҳақида батафсил маълумот:<br>- 1 кун [21]<br>- 7 кун [21]<br>- 14 кун [21]<br>- 1 ой [21] | <br>хизмат нархи – $1<br>хизмат нархи – $2<br>хизмат нархи – $3<br>хизмат нархи – $4 |

Компания истаган пайтда ўзига зиён етказмаган ҳолда, мазкур нархномага ва хизмат кўрсатиш шартларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эгадир.

Хизматлар лицензияланган.

9 май куни Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларини бирлаштирувчи "Unitel" МЧЖнинг Шарқ ҳудудий филиали ходимлари "Полкдошга қўнғироқ" акциясини ўтказишди. Бобур номидаги Марказий боғда "Билайн" кўчар алоқа шохобчаси очилди ва Иккинчи жаҳон уруши

қатнашчиларига Ўзбекистон ҳудудининг барча жойларидаги ва яқин хориж мамлакатларидаги дўсту полкдошларига бепул қўнғироқ қилиш имконияти яратиб берилди.

- Хотира ва Қадрлаш куни - бошқалардан фарқ қиладиган байрам- дейди "Unitel" МЧЖ ҳудудий ривожланиши бўйича Директори Андрей Анисимов. - 9 май куни биз душманларга қарши фронтда жанг қилган ва фронт ортида меҳнат қилган барчаларни қадрлаймиз, улар учун қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Урушда дўстлашганлар билан ва яқинлар билан мулоқот уларга бир неча қувончли дақиқа бахш этди. "Полкдошга қўнғироқ" акциясида 200 дан зиёд уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар иштирок этишди, уларнинг ҳар бири "Билайн" компаниясидан байрам совғасига созовор бўлди.- "Билайн" томонидан ўтазилган "Полкдошга қўнғироқ" акцияси анъанага айланиб қолмоқда, - дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Георгий Витальевич Козубский (87 ёш). - Компания томонидан тақдим этилган бепул қўнғироқ кўпларимиз учун, хорижда яшайдиган полкдошларимиз соғлиғи ва ишлари тўғрисида хабардор бўлишнинг ягона имкониятидир. "Билайн" компанияси совға қилган Ўзбекистонда навбатдаги чегарасиз мулоқот бизни жуда қувонтирди.

Мазкур янгиликни шарҳлар экан, «Unitel» МЧЖ Тижорат директори Андрей Солоухин қуйидагиларни таъкидлади: “ЎзРТСБ билан ҳамкорликдан мамнунмиз, сабаби биз мижозларимизга имкон қадар қулай шароитларни яратишга ҳаракат қиламиз. Ёқтирган рақамингизни уйдан ёки офисдан чиқмасдан туриб сотиб олиш – бу жудаям қулай. Алоҳида таъкидлашни истардимки, биринчи “Олтин” рақамнинг сотувидан тушган маблағларни компания “Хайрли ишлар-2009” дастури доирасида Ўзбекистондаги Меҳрибонлик уйларига беғараз ёрдам тарзида йўналтирилади”.

«Unitel» Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратиб беришда ҳам қатор ишларни амалга оширди, чунки ҳозирги бутун жаҳон молиявий инқирози аҳолига ёрдам қўлини чўзиш зарурдир. Яна шуни этиборга олиш зарурки, алоқа сифатини яхшилаш бўйича “Билайн” кўпгина ишларни олиб бормоқда,

чунки сифатсиз алоқа абонентларни уяли алоқа компаниясидан йироқлаштиради ва рақобатли уяли алоқа операторлари бундан фойдаланиб қолиши мумкин. “Билайн” компаниясиниг 2009 йилги режаларидан бири, бу алоқа сифатини яхшилаш.

«Билайн» ягона алоқа оператори 2009 йилнинг 22 майидан бошлаб, АҚШ долларида тарифланадиган бир қатор тариф режалари шартларига ўзгаришлар киритади.

Мазкур янгиликни шарҳлар экан, «Юнител» МЧЖ Тижорат директори Андрей Солоухин қуйидагиларни таъкидлади: «Мижозларимиз ишонч ҳосил қилишлари мумкинки, биз «Билайн»нинг алоқа сифати ҳамда мулоқот шароитларини яхшилаш устида доимий тарзда ишлаймиз. Биз келажакда ҳам абонентларимизни тушунарли ва манфаатли таклифлар билан хурсанд этишда давом этамиз».

Жумладан, «Шунчаки сонияли» тариф режасида Ўзбекистондаги барча мобил рақамлардан кириш қўнғироқлари бепул бўлмоқда. Бунда секундлик тарифи сақланиб қолинади, ҳамда чиқувчи қўнғироқларнинг нархи аввалгидек.

«Суҳбат устаси» тарифида дақиқалик тариф билан олинганда бутун мамлакат бўйлаб суҳбатнинг бир дақиқаси $0,015 гача камайтирилди.

«Шаҳар» ва «Шаҳар-Голд» таклифлари доирасида барча кирувчи ва чиқувчи шаҳар қўнғироқлари $0,01 гача камайтирилди. «Голд Про» тарифи абонентлари учун шаҳар йўналиши бўйича барча чиқувчи қўнғироқлар баҳоси $0,01 гача камайтирилди.

Бундан ташқари, «Жонли нол» тариф режасининг имкониятлари кенгаймоқда: эндиликда мобил телефонлардан кирувчи қўнғироқлар бепул тариф режасидаги абонентлар баланс нол бўлган тақдирда ҳам нафақат «Билайн» мижозларидан, балки бошқа уяли алоқа операторларидан ҳам қўнғироқларни қабул қилишлари мумкин.

«Билайн»нинг чиқувчи ММС нархлари 2 баробарга арзонлаштирилди.

2009 йилнинг 10 майидан 1 чиқувчи ММС нархи аввалдан тўланувчи тизим абонентлари учун $0,05 (миллий валютадаги тариф режалари учун 70 сўм) ва кейин тўланувчи тизим абонентлари учун $0,04 (ҚҚС сиз) этиб белгиланади.

- «Билайн»нинг устувор йўналишларидан бири кўрсатилаётган хизматнинг нафақат юқори сифатли, балки арзон ҳам бўлиши саналади, - дейди «Юнител» МЧЖ маркетинг хизмати бошлиғи Шавкат Бердийев. - Ишончимиз комилки, ММСдек оммабоп хизмат нархининг 2 баробарга арзонлаштирилиши мижозларимизга ҳисобларидаги маблағни тежамкорлик билан ишлатишга бўлган ишончни янада кучайтиради ҳамда мулоқотни яна ҳам ёрқинроқ қилади.

ММС ёрдамида абонентлар мобил телефонга ёки электрон почтага нафақат сурат ёхуд мусиқа, балки 1000 белгидан зиёд ҳажмдаги матнли хабар ҳам юборишлари мумкин.

«Билайн» ММС хизматини ўзида ММС, GPRS орқали интернетга уланиш ва GPRS-WAPни мужассам этган «Уч хизматлар пакети» орқали тақдим этади. «Уч хизматлар пакети»га уланиш, кирувчи ММС-хабар ва абонент тўлови - $0.

## 2.2. Алоқа операторларининг алоқа сифати: стандартлар

Мамлакатимиз президенти Ислом Каримов раҳнамолигида турли жабҳаларида, шу жумладан ахборот-телекоммуникация технологияқлари соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатлар ўзининг салмоқли

натижаларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги қарорида, шунингдек, 1995-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида уяли алоқа тармоқларини ривожлантириш дастурига мувофиқ соҳани истиқболда тараққий эттириш йўллари аниқ белгиланган. Бу эса мамлакатимизда миллий ахборот маконини шакллантириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириш имконини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мобил алоқа истиқлолимиз тенгдоши ҳисобланади. 1991 йилнинг августида мобил алоқа хизмат кўрсатиш бўйича “Уздунробита” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мобил алоқа абонентларининг 70% республикамизнинг вилоятларида истиқомат қилади. Бу эса ушбу хизмат туридан аҳолининг кенг қатлами фойдаланаётганидан далолат беради. 2005 йилнинг ноябр ойида абонентлар сони бир неча миллионга етган бўлса, орадан уч йил ўтигач, бу кўрстагич бир неча баробарга кўпайди.

Ўзбекистонда иш юритаётган уяли алоқа операторларининг тариф сиёсати ўрганиб чиқиш учун аввлам бор, аниқ бир мисоллар келтириш зарур. Бу мисолларни кўриб чиқишда икки масалани кўриб чиқиш зарур: биринчидан, қанақа тариф режасини танлаш зарур; иккинчидан қайси компанияга уланиш зарур. Бу ҳақдаги маълумотларни олиш учун уяли алоқа компания сайтларига ёки уяли алоқа компания ҳодимларига мурожат қилиш зарур. Энг яхшиси уяли алоқа компания сайтларига кириб, солиштириш мумкин, чунки бу жуда қулай ва ҳамма керакли маълумот кўз остингиза бўлади.

Тариф режасини қандай тушуниш мумкин? Нархлар билан-ми? , тўлаш шартлари билан-ми?

Тариф бу, хизмат нархи, режа бу, режалаштирилган хизматлар вақти ва шартларидир. Тарифларни уяли алоқа операторлари белгилайди, сиз эса ўзингизга қулай тариф режасини танлашингиз зарур.

Одатда уяли алоқа компаниялари сайтларида ҳамма тариф режалар жадвал кўринишда бўлади. Бу жадвалларда: абонент тўлови, тармоқ ичидаги кирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар ва бошқа маълумотларни топишингиз осон бўлади, масалан Ўзбекистонда фаолият юритаётган уяли алоқа операторларидан бири ОАЖ "МТС" олайлик. (**www.mts.uz**)

**Лицензиялар**

| Litsenziyalar | Standart | Litsenziya egasi |
|---|---|---|
| **AA № 0000682** – Harakatlanuvchi radiotelefon (mobil) tarmoqlarini loyihalashtirish, qurish, ishga tushurish va ularga xizmatlar ko'rsatish | GSM-900/1800 | «Uzdunrobita» MCHJ XK |
| | IMT-2000/UMTS | «Uzdunrobita» MCHJ XK |
| **AA № 0000683** – Telekommunikatsiyalarning xalqaro tarmoqlarini loyihalashtirish, qurish, ishga tushurish va ularga xizmatlar ko'rsatish | | «Uzdunrobita» MCHJ XK |
| **AA № 0000685** – Ma'lumotlar uzatish tarmoqlarini loyihalashtirish, qurish va ularga xizmatlar ko'rsatish | | «Uzdunrobita» MCHJ XK |
| **AA № 0002524** – Telekommunikatsiyalarning xalqaro tarmoqlariga xizmatlar ko'rsatish | | «Uzdunrobita» MCHJ XK |
| **AA № 0002739 -** Teleradioko'rsatuvlar uzatish tarmoqlaridan foydalanish va xizmatlarini ko'rsatish | | «Uzdunrobita» MCHJ XK |

2.2.1-расм. Лицензиялар




2.2.2-расмда кўриб турганингиздек уяли алоқа оператори тарифлари кўрсатилган. Биз мисол қилиб “Хуш келибсиз” тариф режасини оламиз, чунки бу тариф режаси, ўз вақтида Ўзбекистонда энг кўп абонентга эга бўлган тариф режалардан бири ҳисобланарди, фақат бу уяли алоқа операторининг “Универсал” тариф режасидан кейинги ўринда турарди.




2.2.3-расм. Тариф режаси

Эътибор берган бўлсангиз жадвалда бизга тегишли бўлган барча маълумотлар берилган, яъни бу тариф бўйича асоий маълумотлар (ҳамма тўловлар АҚШ долларида):

- абонент тўлови - 0,10 (USD)
- барча кирувчи қўнғироқлар - 0,00 (USD)
- Ўзбекистон ичидаги барча чиқувчи қўнғироқлар - 0,02 (USD)

Абонент тўловининг ҳажми ва вақт чегараси бир ойда ҳисобланиб кўрилса ўшанда, бу тарифнинг қулайлиги ёки ноқулайлиги келиб чиқади. Ўзбекистон республикаси ҳудудида иш олиб бораётган уяли алоқа компаниялари тариф сиёсатини асосан, абонент тўловига ва чиқувчи қўнғироқларга нисбатан олиб боради. Агар тарифда абонент тўлови йўқ бўлса чиқувчи қўнғироқлар қимматроқ, агар абонент тўлови бор бўлса чиқувчи қўнғироқлар арзонроқ бўлади. Чунки компания нима қилиб бўлса ҳам абонентдан пул ўндириш керак. Диплом ишнинг кейинг қисмида бу уяли

алоқа компаниясининг (ОАЖ “МТС”) тариф ва хизматлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, уяли алоқа компанияларнинг тариф сиёсатини қулайлигини кўриб чиқишда фақатгина бу маълумотларга тайанибгина қолмасдан, бирон бир кишини ўртача қанча дақиқа телфон орқали гаплашишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистоннниг бошқа бир уяли алоқа оператори, “Билайн” (“Вимпельком” ОАЖ) тариф режалари қандай қилиб кўриб чиқишни қарасак. “Билайн” уяли алоқа компаниясининг сайтлари фақатгина рус ва ингилиз тили кўринишида, факат тарифлар ҳақидаги маълумотларни ўзбек тилида юклаб олишингиз мумкин, буни ҳам уяли алоқа компаниясининг камчиликларидан бирига қўшиб қўйсак бўлади. (**www.beeline.uz**)

Уяли алоқа компаниялари бир қанча хизматларни кўрсатади режалаштиради, яъни тарифлар уяли алоқада кўп гаплашадиганлар учун ёки кам гаплашадиганлар учун мўлжалланган бўлади, шуни эътиборга олган ҳолда тариф режасини танлаш зарур. Бунақа тарифлар кўп бўлиши мумкин лекин, уни ишлатадиган тарифлар ҳар доим ундан ҳам кўп бўлади.

Ҳозирги кунда “Билайн” олиб бораётган тариф сиёсати, ҳамма учун қулай ва сифатлидир. Бу уяли алоқа компанияси тариф режалари орасида аҳолининг ҳамма қисмига тўғри келадиган хизматларни топиш мумкин. “Билайн” компанияси асосан ишбилармон аҳоли учун жуда қулайдир, чунки айрим тариф ва хизматлар фақатгина шу соҳада иш юритаётган аҳоли қисмига мосдир.




2.2.4-расм. Корпоратив тарифлар

“Билайн” абонентлари сони бўйича Ўзбекистонда иккинчи ўринда туради. Бу компания нафақат ўзининг тарифлари билан балки, рекламаларининг ранг - баранглиги билан абонентлар меҳрини қозонган. Бу уяли алоқа компаниясининг тариф режасаига назар ташлайдиган бўлсак, у ҳолда шуни кўришимиз (2 жадвал) мумкинки, абонент тўлови асосий тарифлар режасида йўқ, тармоқ ичидаги кириш қўнғироқлари – 0,00 (USD), тармоқ ичида чиқувчи қўнғироқлари – 0,02 – 0,03 (USD) ни ташкил қилаяпти. Бу тарифлар орасида энг қулайларидан бири бу “Оддий” тариф режасидир.

2.2.1- жадвал

*11.09.2006 йил тасдиқланган (23.03.2009й.даги ўзгаришлар билан) Оммавий офертанинг №1 Иловаси*
*Нархнома 2009 йил 24 апрелдан кучга киритилган.*
*(24.04.2009 йил 0191/09/UZ сонли буйруққа асосан)*

НАРХНОМА (1-бўлим)

| Тариф режалари (1-бўлим) | Оддий | Шаҳар | Қўшнилар | Янада яхши | | Бизникилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Тақдим этиладиган бошланғич хизматлар: маҳаллий, шаҳарлараро алоқа, рақамни автоматик аниқлаш, қўнғироқни кутиш, бошқа рақамга йўналтириш, конференц-алоқа, SMS, халқаро SMS | | | | | |
| Кунлик абонент тўлови | 0 | 0 | 0 | 0 | | 0,08 * |
| Олдиндан тўловнинг минимал миқдори | 3 | 3 | 3 | 3 | | 3 |
| Тарифлаш биринчи сониядан | Дақиқа бўйича тарифлаш (барча сўзлашувлар навбатдаги тўлиқ дақиқага яхлитланиб борилади) | | Биринчи сониядан сония бўйича тарифлаш | Дақиқа бўйича тарифлаш (барча сўзлашувлар навбатдаги тўлиқ дақиқага яхлитланиб борилади) | | |
| **Маҳаллий алоқа хизматлари** | | | | | | АҚШ долл./дақ. |
| | Барча қўнғироқлар [2] | Барча қўнғироқлар [2] | Барча қўнғироқлар [2] | Биринчи дақиқа | Кейинги дақиқалар | Барча қўнғироқлар [2] |
| Тармоқ ичидаги кириш қўнғироқлари [1] | 0 | | | | | |
| Тармоқ ичидаги чиқиш қўнғироқлари [1] | 0,02 | 0,03 | 0,03 | 0,04 | 0,02 | 0,03 |
| Ўзбекистоннинг бошқа уяли алоқа операторлари рақамларидан кириш қўнғироқлари ** | 0,02 | 0,03 | 0,06 | 0,04 | 0,02 | 0 |
| Ўзбекистоннинг бошқа уяли алоқа операторлари рақамларига чиқиш қўнғироқлари | 0,02 | 0,03 | 0,06 | 0,04 | 0,02 | 0,03 |
| Шаҳар ва халқаро рақамлардан кириш қўнғироқлари | 0,05 | 0,03 | 0,06 | 0,04 | 0,02 | 0,03 |
| Ўзбекистон бўйлаб шаҳар рақамларига чиқиш қўнғироқлари | 0,05 | 0,03 | 0,06 | 0,04 | 0,02 | 0,03 |

| **Халқаро алоқа хизмати [3]** | | | | | | | АҚШ долл./дақ. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳудуд | Марказий Осиё (1) | Бошқа МДҲ давлатлари | Европа | Осиё (2) | Осиё (3) | Америка, Африка | Австралия |
| Тарифлар: | 0,54 | 0,78 | 1,62 | 2,10 | 2,46 | 1,86 | 2,70 |

(1) Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон (2) Бахрейн, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия, Малайзия (3) Бошқа Осиё мамлакатлари

**Изоҳлар:**

- * - Марказий ҳудудда «Бизникилар» тариф режасининг кунлик абонент тўлови **$0,03** ни ташкил қилади.
- ** - компания бошқа уяли алоқа операторларининг ноаниқ ва нотўғри префиксли рақамларидан қилинган кириш қўнғироқлари учун тўловларнинг тўғрилигига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Шаҳар ва бошқа уяли алоқа операторларининг рақамлари халқаро форматда терилгандагина қўнғироқларнинг тариф бўйича тўғри баҳоланиши амалга ошади (+99897, +99892xxx-xxxx МТС-Ўзбекистон; +99893, +99894xxx-xxxx COSCOM; +99898xxx-xxxx Perfectum Mobile; +99895xxx-xxxx UzMobile).
- «Қўшнилар» тариф режасида Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонга қилинган халқаро қўнғироқлар дақиқасига $0,30 дан баҳоланади (ушбу қиймат шаҳар рақамларига чиқиш қўнғироғининг нархини ўз ичига олади). Қўнғироқлар сония бўйича тарифланади.
- Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Турманистон, Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда Camel-роуминг хизмати учун ҳақ олинишини олдини олиш учун телефон аппаратида
- «Beeline Uz» операторининг тармоғини танлаш лозим.
- «Шаҳар-Голд» тариф режасида $10, $20, $50, $100 ва $300 номиналдаги 90% чегирмали «олтин» рақамга уланиш учун мувофиқ равишда «Gold-10», «Gold-20», «Gold-50», «Gold-100» ва «Gold-300»ли Сим-карталарни сотиб олиш зарур. Сим-картани ишга тушириш учун Абонент ***115#** кодини, сўнгра ***110*516#** кодини териши лозим, шу тариқа «Шаҳар-Голд» тариф режаси ишга тушади. «Шаҳар-Голд» тариф режасини фақат "Gold-Pro" тариф режасига ва «Gold-Pro» тариф режасини фақат «Шаҳар-Голд» тариф режасига ўзгартириш мумкин. «Шаҳар-Голд» тариф режасини «Gold-Pro» тариф режасига ўзгартириш учун хизмат ҳақи олинмайди.
- "уй ҳудуди" тушунчаси остида абонент уланган муайян ҳудуднинг вилояти тушунилади.
- чақирилаётган абонент томонида факс аппарати, рақамни автоматик аниқловчи мослама, автоматик жавоб берувчи мослама, модем ва бошқа мосламаларнинг ишга тушиши уланиш амалга оширилганини англатади.

Ўзбекистонда абонентлари кўп бўлган яна бир уяли алоқа компанияларидан бири бу "Ucell" компаниясидир. "Ucell" компанияси ўз тарифларининг арзонлиги билан бошқа уяли алоқа компаниядан ажралиб туради. Фақатгина алоқа сифати ёмонлиги билан Ўзбекистоннинг уяли алоқа компаниялари орасида охирги ўринда туради. "Ucell" уяли алоқа компанияси талабалар орасида энг кўп тарқалган бўлиб, унинг талабалар учун мўлжалланган "Талаба" тарифи ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда талабалар уяли алоқа аппартларига шунчалик, қизиқиб кетишдики, улар уяли алоқа аппаратисиз ҳаётини тасаввур қила олмайдилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда, уяли алоқа компаниялари талабаларни ўзига жалб қилиш билан бирга, тариф режа нархларини пасайтиришга харакат қилмоқдалар. Чунки талабада ҳар доим ҳам пул бўлавермайди.




2.2.5-расм. Яқинроқ бўлинг

“Ucell” компанияси ўз тариф сиёсатини олиб боришда энг яхшилардан бирини танлаган, чунки абонент тўловларнинг йўқлиги, тариф нархларининг арзонлиги ва қўшимча хизматлар, бу уяли алоқа компаниясининг абонентлари сонини кўпайишига олиб келаяпти. Бунга мисол, “Талаба” тариф режасини олайлик. Ҳозирги кунда деярли ҳамма талабаларда уяли алоқа аппаратлари бор ва талабалар бир бирлари билан энг кўп сўзлашадиган, бир бирларига энг кўп матн юборадиган аҳоли қисмига киради. Бу эса уяли алоқа компаниясига даромад келтирадиган аҳоли қисмини ўз тарафига оғдиришни ҳозирча “Ucell” компанияси амалга оширмоқда ва уддаламоқда. Фикрни тасдиқлаш учун қуйидаги келтирилган 7 расмга, “Талаба” тариф режасига қаратадиган бўлсак, бунда кўриниб турибдики:

- абонент тўлови – 0,00 (USD)
- тармоқ ичидаги кириш қўнғироқлари - 0,00 (USD)
- тармоқ ичидаги чиқиш қўнғироқлари - 0,02 (USD)
- “Талаба” тарифидаги абонентларга чиқиш қўнғироқлари - 0,015 (USD)




2.2.6-расм. Талаба тарифи.

Бу талабалар учун энг қулай тарифдир, бу тариф режаси ҳақида тўлиқ маълумотни иловада кўришингиз мумкин.

Уяли алоқа операторлари ўз тариф сиёсатини олиб боришда фақатгина телефон қўнғироқларига таяниб қолмасдан, балки матн жунатиш (SMS), қўшиқ танлаш, Интернетга уланиш каби хизматларни ҳам ҳисобга оладилар, чунки матн жунатиш (SMS), уяли алоқа компанияларига энг кўп даромад келтирувчи хизматлардан бири ҳисобланади. Кейинги ўринларда, интернетдан фойдаланиш, қўшиқ юклаш, медиа файллар юбориш кабилар туради.

Ўзбекистонда уяли алоқа операторларининг алоқа сифати жуда яхши деб бўлмайди чунки, бир хил вазиятларда керакли манзилга қўнғироқ қила олмайсан ёки хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида қолиб кетасан. Савол туғилади бунга фақат телефон аппарати сабабчимиган?

Сўров натижаларига кўра Ўзбекистонда уяли алоқа операторлари хизматларининг узулиб қолиш эҳтимоллиги қуйида келтирилган:

- «МТС» (-60,07 dbm / 13,51% узулиш);
- «Билайн» (-63,41 dbm / 17,66% узилиш);
- «Ucell» (-76,10 dbm / 41,19% узилиш).

Уяли алоқа операторлари кўрсатётган хизматларида овоз эшитилиш сифати:

- МТС (27,84);
- Билайн (23,96);
- Ucell (18,77).

Бу маълумотларни ҳисоблаш учун Ericsson компаниясиниг махсус SQI опаратидан фойдаланилган. Бу мосламада энг юқори курсатгич 30 баллни ташкил қилади, ўртача балл 20 ни ташкил қилади, энг ёмон балл 17 ни ташкил қилади. Юқоридаги натижаларни кўриб хулоса чиқариш мумкин.

Умуман олганда санитар нормаларига жавоб берадиган 22 уяли телефон аппаратларидан 9 таси талабга жавоб берди. Агар уяли алоқа юкланишини айтадиган бўлсак, у ҳолда шуни кўришимиз мумкин:

«МТС» - 22 тадан 4 та;

«Билайн» - 22 тадан 3 та;

«Ucell» - 22 тадан 2та.

Умуман олганда уяли алоқа сифатларининг барча кўрсатгичлари бўйича якуний хулосани экспертлар қўйди. Бунда шуни кўришимиз мумкинки, «МТС» уяли алоқа оператори деярли ҳаммма кўрсатгичлар бўйича юқори ўринда, шунинг учун бу уяли алоқа операторига 6 балдан 5 бал қўйилди, кейинги ўринда эса «Билайн» уяли алоқа оператори 6 балдан 4 қўйилди ва ниҳоят энг охирги ўринда «Ucell» компанияси 6 балдан 2 олди.

Яна шуни эътиборга олиш керакки Ўзбекистонда хизмат кўрсатаётган бошқа уяли алоқа компаниялари “UzMobile” ҳамда “PerfectumMobile” компаниялари ҳисобга олинмади, чунки бу уяли алоқа операторлари абонентлари сони бўйича охирги ўринда туради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил I чорак якунларига бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди ва бу йиғилишда алоқа сифатини яхшилаш, уяли алоқа истеъмолчилари ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича фикрлар билдирилди.

Йиғилишни Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси А.Арипов бошқарди. Соҳа раҳбари йиғилиш аввалида Президентимиз Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китоби ҳақида сўз юритди. Маълумки, ҳозирда кўлами тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг долзарб масала бўлиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур асарида мана шу мураккаб муаммонинг иқтисодиётга таъсири ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Соҳа раҳбари иқтисодий инқироз даврида ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, айниқса, раҳбар ходимлар зиммасига катта масъулият юклашини, бу масалага соҳа ходимлари юксак ватанпарварлик, фидойилик нуқтаи назаридан ёндашиб ҳаракат қилиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар батафсил таҳлил этилиб, камчиликлар танқид қилинди.

# 3. ЎЗБЕКИСТОНДА АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ТАРИФЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

## 3.1. Ўзбекистон уяли алоқа операторлари тариф режаларини солиштириш

Ҳозирги кунда Ўзбекистон уяли алоқа бозорида бешта уяли алоқа оператори мавжуд, булар МТС, «Билайн», Ucell, Perfectum Mobile (Rubicon Wireless Communication, стандарт CDMA), филиал «Узбектелеком Мобайл» АК «Узбектелеком» лардир

Деярли ҳамма абонетлар тариф режасида абонент тўлови йўқ хизматини танлашади, чунки уяли алоқа учун унча кўп бўлмаган бунақа режалар фойдалидир. Қандай қилиб, қайси уяли алоқа операторининг, қайси тариф режаси қўлайлигини билиш мумкин.

Аввалам бор тариф ва тариф режаси нималигини билишимиз зарур. Тариф бу- шу ва бошқа хизматларнинг нархиди, шунингдек гаплашиладиган дақиқанинг нархмонаси (кундузи, кечқурун), унинг даражаси (шаҳарлараро, давлатлараро, маҳаллий қўнғироқлар) ва ниҳоят унинг йўналиши (кирувчи ва чиқувчи). Тариф режаси эса, бу хизматнинг нархдаги баҳосининг ҳар хил вариантларидир.

Масалан, уяли алоқа операторлари тариф режаларини солиштириш учун, ўтган ойни олиб ва харажатларни битта режада солиштириш керак, кейин бошқа режага ва ҳаказо. Яна чиқувчи, кирувчи ва давомийлигин ҳам эътиборга олиш керак. Агар аниқ бир ойни мисол қилиб бўлмаса, у ҳолда ўртача қўнғироқлар давомийлигин ҳисобга олиш зарур, ана ўшанда сиз уяли алоқага кетадиган харажатларни солиштиришингиз мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон уяли алоқа операторлари тарифларини солиштириш жадвалини тузамиз.

Чиқувчи қўнғироқлар

3.1.1-жадвал

| **Қўнғироқ давомийлиги , дақиқада** | **МТС (Ўзбекистон)** | | **Билайн (Ўзбекистон)** | | **Ucell** |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Актив тарифи** | **Universal тарифи** | **Қулай тарифи** | **Шаҳар тарифи** | **Яқинроқ бўлинг** |
| **1** | 0,02 | 0,02 | 0,03 | 0,03 | 0,02 |
| **2** | 0,02 | 0,02 | 0,03 | 0,03 | 0,02 |
| **3** | 0,02 | 0,02 | 0,03 | 0,03 | 0,02 |

Бу Ўзбекистон ҳудудида уяли алоқа оперторларининг бошқа рақамларга чиқувчи қўнғироқлари эди. Бу мисолда мен фақатгина уяли алоқа операторларининг бир неча тариф режаларини мисол қилиб келтирдим. Кўриб турганингиздек, уяли алоқа операторлариниг биринчи дақиқаси 0,02 USD дан – 0,03 USD гача, қўнғироқнинг иккинчи дақиқаси ҳам деярли ҳамма уяли алоқа операторларида ўзгармай қолади. Агар тариф нархини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда “МТС”нинг “Universal” ва “**Ucell” нинг “**Яқинроқ бўлинг” тарифларидан фойдаланиш арзонга тушади, чунки “МТС”нинг “Universal” ва “**Ucell” нинг “**Яқинроқ бўлинг” тарифларида абонент тўлови 0,00 USD. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, “МТС”нинг “Universal” ва “**Ucell” нинг “**Яқинроқ бўлинг” тарифлари тармоқдан ташқари бўлган чиқувчи қўнғироқлар учун қулайдир.

Тармоқ ичидаги чиқувчи қўнғироқлар

3.1.2- жадвал

| **Қўнғироқ давомийлиги , дақиқада** | **МТС (Ўзбекистон)** | | **Билайн (Ўзбекистон)** | | **Ucell** |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Актив тарифи** | **Universal тарифи** | **Қулай тарифи** | **Шаҳар тарифи** | **Яқинроқ бўлинг** |
| **1** | 0,02 | 0,02 | 0,03 | 0,03 | 0,02 |
| **2** | 0,02 | 0,01 | 0,03 | 0,03 | 0,02 |
| **3** | 0,02 | 0,01 | 0,03 | 0,03 | 0,005 |

Бу Ўзбекистон ҳудудида уяли алоқа оперторларининг тармоқ ичидаги чиқувчи қўнғироқлар эди. 3.1.2-жадвалда кўриб турганингиздек, уяли алоқа операторлариниг тармоқ ичидаги чиқувчи қўнғироқларнинг биринчи дақиқаси 0,02 USD дан – 0,03 USD гача, қўнғироқнинг иккинчи дақиқаси ҳам деярли ҳамма уяли алоқа операторларида ўзгармай қолади. Фақатгина “МТС”нинг “Universal” ва “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифларидан қўнғироқнинг иккинчи дақиқаси ва учунчи дақиқаси, МТС”нинг “Universal” тарифида қўнғироқнинг иккинчи дақиқасидан бошлаб 0,01 USD, “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифида қўнғироқнинг учунчи дақиқаси 0,005 USD дан ҳисобланади. Шуни эслатиб ўтиш керакки “МТС”нинг “Universal” ва “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифларида абонент тўлови 0,00 USD. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, “МТС”нинг “Universal” ва “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифлари тармоқ ичидаги чиқувчи қўнғироқлар учун қулайдир.

Кирувчи қўнғироқлар

3.1.3-жадвал

| **Қўнғироқ давомийлиги , дақиқада** | **МТС (Ўзбекистон)** | | **Билайн (Ўзбекистон)** | | **Ucell** |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Актив тарифи** | **Universal тарифи** | **Қулай тарифи** | **Шаҳар тарифи** | **Яқинроқ бўлинг** |
| **1** | 0,02 | 0,00 | 0,00 | 0,03 | 0,00 |
| **2** | 0,02 | 0,00 | 0,00 | 0,03 | 0,00 |
| **3** | 0,02 | 0,00 | 0,00 | 0,03 | 0,00 |

3.1.3- жадвалда кўриб турганингиздек, уяли алоқа операторлариниг кирувчи қўнғироқлари 0,00 USD дан – 0,03 USD гача, қўнғироқнинг иккинчи дақиқаси ҳам деярли ҳамма уяли алоқа операторларида ўзгармай қолади. Фақатгина “МТС”нинг “Universal” ва “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифларида кирувчи қўнғироқлари Шуни эслатиб ўтиш керакки “МТС”нинг “Universal” ва “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифларида абонент тўлови 0,00 USD. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, “МТС”нинг “Universal” ва “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифлари кирувчи қўнғироқлар учун ҳам қулайдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма жадваллардан умумий хулосага келишимиз мумкинки, унда, “МТС”нинг “Universal” ва “Ucell” нинг “Яқинроқ бўлинг” тарифлари ҳамма юналишларга, чиқувчи, кирувчи ва тармоқ ичидаги чиқувчи қўнғироқ учун жуда қулайдир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва туман марказлари рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинган. Ўзбекистон Республикасидаги 2006-2008 йилларда ахборот-коммуникация технологиялар ривожи таҳлилида шу ҳақда сўз боради.

XX аср охирида бозорга шахдан янги қадам қўйган рқамли тижорат радиотелефон алоқасида каналларни кодли ажратиш технологиялярининг вужудга келиши уяли алоқа тармоғининг ривожланишига катта силжиш бўлиб хизмат қилди. CDMA стандартининг асосий бозордаги ғалабаси қуйидагилардир: кенгроқ ҳудудларга хизмат етказа олиниши, нутқнинг юқори сифатда етказиш ва янги хизматлар кўламини жорий этилишида кўп афзалликларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу технология шовқунлари кучли мулоҳаза қилиш қобилииятига эга, шунингдек алоқа каналларини созлаб олиш ва уни эшитишдан устивор ҳимояга эга бўлиб, барча тоифадаги фойдаланувчиларнинг ундан қўлланиши янада киши диққатини ўзига жалб этиши муқаррардир.

Ҳозирги кунда CDMA стандартларида ишлайдиган қурилмалар жуд ҳам янги ва жуда ҳам қиммат қурилмалар сирасига киради, лекин шу ўринда таъкидлаш керакки у стандарт жуда ҳам ишончли ва жуда ҳам ҳимояланган стандарт ҳисобланади. CDMA стандартининг бошқа рақамли технологиялар билан ижобий фарқи шундан иборатки:

1. Алоқа сифатанинг янада юқори сифатлийлиги- CDMA технологияси орқали узатилаётган нутқни ҳар хил шовқин қувватини камайтириш бараварида юқори сифатини таъминлаб бериш. Унинг натижасида доимий сифатли нутқ ва маълумотни узатилиши содир бўлиб ва бунда чиқиш қуввати минимал ўртача миқдорда вужудга келади. CDMA каналида нафақат товуш узатилади, балки бошқа исталган ахборотни узатилсада, ушбу стандартда шовқуннинг йўқлиги билан қадрли ҳисобланади.

CDMAда қўлланиладиган “код” нафақат фойдаланувчининг у ёки бу сўзлашувини идентификациялашни яна унинг юқори сирни сақланишини ҳам яратиб беради, ҳамда шовқунларнинг ҳам филтр вазифасини бажаради. CDMA стандарти товуш маълумоти узатишда бошқа мобил алоқа тизимидан кўра жуда оз кечикишлар содир бўради.

2. CDMA технологиясида маълумот узатиш тезлиги юқорироқ бўлиб, маълумот тахламининг асл алгоритмларини кўпроқ тезликда уларни узатиш учун яратилган. Бу эса CDMA терминалларидан фойдаланишда кенг имкониятларни яратиб беради.

3. Терминаллар энергиядан фойдаланишда тежамлидир- ҳозирги пайтда қўлланилаётган стандартлардан қўра бу стандартнинг чиқиш қувватининг миқдори анчага оз, шунингдек CDMAтехнологияларининг фарқли сифатларини қуйидаги икта муҳим фаторларда кўриб чиқилади: инсон организимига етказиладиган электромагнит нурланиш таъсири кескин кам ва радиотелефонларнинг автоном ишлаш пайти 1,5-2 мартага кўпроқдир. 800, 1900 МГц диапозонида ишловчи стандартлар билн солиштириб қараганда CDMA- 450 ҳудудни кўпроқ қисмини қоплаш имкониятига эга.

CDMA 3G-1X стандарти учунчи авлод технологияларининг маълумотли пакетли узатиш функцияси биттали ташувчи учунчи авлод радиотизими ҳисобланади. Уни Халқаро электралоқа иттифоқи ва Халқаро мобил алоқа стандарти ташкилотлари томонидан тегишли тавсияномалари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу тизим Lucent Technologies компаниясининг CDMA 2G SIP PDS эвалюцияси туркимига киради. CDMA 3G-1X PDS стандартининг ижобий афзалликлари шундан иборатки, абонентлар CDMA3G-1X IS-2000 радиоинтерфейс орқали маълумотни умумий тезлиги 153,6 кбит/с гача узатиши ва қабул қилиш имкониятини яратиб беради.

Ушбу технолгия портатив шахсий комюьтер ва бошқа қурилмаларга эга мобил фойдаланувчиларга маълумотни узатиш учун IS-2000 ва 18-707А1 стандартига мос келадиган турли дастурий қўлланмалардан фойдаланишларни яратиб беради. Мен юқори тезликдаги маълумотни узатишни талаб қилувчи дастурий қўлланмаларни назарда тутмоқдаман.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон уяли алоқа операторлари “Билайн”, “МТС” ва “Ucell” лар узларининг учунчи авлод 3G оперторлари доирасиникенгайтирмокда,

Мобил алоқа тармоғининг 2 G авлодидан - секин 3G йўналишига ўтиши, албатта, содир бўлади. Шунинг учун билимдон уяли оператор олдиндан бу ўтишга таййор бўлиши керак. Албатта 2 G авлодидан 3G га бирданига ўтиш умуман олганда мумкин эмас, қай жихатдандир Овропадаги 3G тармоқлари бўйича ҳолат бунга исбот бўлиши мумкин. Ҳаёт шуни кўрсатдики янги авлод тармоғига ўтиш аста секин содир бўлади- 2 G, 2,5G ва нихоят 3G. Бу нимани билдиради? 2G алоқаси асосан овозни етказишни кўзда тутади. 3G авлод алоқаси эса товушдан ташқари катта тезликда 384 Кбит/с ҳаракатланувчи алоқа ва 2 Мбит/с- қайд қилинган тармоқ учун-тезликларда маълумот етказишни ҳам кўзда тутади.

Бундай тезликларда маълумотларни узатиш кўрсатилгандан хизматлар сонини анча кенгайтиради ва енг аввало тўла сифатли видео узатиш ва интернет тармоғига уланишдир. 2,5G авлоди алоқаси гўёки 2G алоқадан 3G йўналишдаги алоқага ўтиш босқичи ҳисобланади. Овозни узатишдан ташқари қуйидаги янги қўшимча хизматлар қўшилади- булар SMS, VMS, WAP – протоколи ёрдамида бир мунча қулайликларга эга бўлади ва ниҳоят GRPS хизматлари. Бундай вазиятда ҳар бир уяли опертор олдида шундай танлов туради: янги хизматлар модулларини қўшимча қилиш йўли билан эски ускуналарни модернизациялаштириш ёки бир вақтнинг ўзида 2G, 2,5G ва 3G алоқа хизматларини кўрсата оладиган умуман янги ускунларни сотиб олиш. 3G тармоғи учун маркази 2G нинг MSCси такомиллашиши ҳисобланади, бу 2G тармоғи учун ҳам ва 3G тармоғи учун ҳам коммутация марказларини яратиш имконини беради, яъни 2G 2G/3G бирлаштирилган тизимларни ҳам амалга ошириши мумкин. Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон икки йилдан бери дунёнинг юқори даражадаги "уяли алоқа ривожланиш индекси" га эга бўлган давлатлари ўнталигига киряпти. Бугунги кунда Ўзбекистондаги барча уяли алоқа операторлари 3G тармоғини кенгайтииш ишларини бошлаб юборишган.

## 3.2. Алоқа операторлари орасидаги рақобат таҳлили

Рақобат кўп ҳолларда ривожланиш ва маҳсулотлар сифатининг ошиши, нархларнинг тушишига олиб келади. Бу оддий харидорлар, фойдаланувчилар учун жуда фойдали. Ўзбекистонда мобил алоқа операторлари орасидаги рақобат ҳам юртимизда мобил хизматларнинг ривожланишига олиб келди. Бугунга келиб, деярли ҳар биримизда мобил телефон мавжуд ва ундан ҳар кун фойдаланамиз.

Яқин кунларгача мобил телефондаги мулоқотнинг ҳам чиқиш, ҳам кириш қўнғироқлари пуллик эди. Лекин, бизнинг бозорга кириб келганига кўп ҳам бўлмаган оператор — Ucell ҳамма кириш қўнғироқлари бепул бўлган ва абонент тўловисиз тарифлар ривожини бошлаб берди.

Талабаларимиз орасида машҳур бўлган «пушти» оператордан «**Кўпроқ сўзлашинг**» тарифи ҳақида тўликроқ маълумот:

абонент тўловисиз;

барча кириш қўнғироқларининг бир дақиқаси — бепул;

барча чиқиш қўнғироқларининг бир дақиқаси — 2 цент;

абонент ҳисобидаги маблағ тугагандан сўнг 30 кун мобайнида мобил телефонлардан кириш қўнғироқларини ва SMS хабарларини қабул қилиши мумкин;

Ўзбекистонда етакчилик қилаётган «қизил» операторимиз — МТС ўзининг «**Универсал**» тарифи билан кўпчиликни қойил қолдирди:

абонент тўловисиз;

барча кириш қўнғироқларининг бир дақиқаси — бепул;

тармоқ ичида чиқиш қўнғироқларининг 1-дақиқаси 2 цент, кейинги дақиқалар 1 центдан;

бошқа чиқиш қўнғироқларнинг бир дақиқаси — 2 цент;

Ўзбекитон уяли алоқа бозорида уяли алоқа операторлари ўртасида рақбота кучаймоқда. 2009 йил апрел ойидаги маълумотларга кўра уяли алоқа абонентлари сони 12 млндан ошиб кетди. Яъни, деярли Ўзбекистон аҳолиснинг 50% уяли алоқа абонентлари ҳисобланади. Бу кўрсатгичларни

юқорилашда уяли алоқа операторлари орасидаги рақобат сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки Ўзбекистон уяли алоқа бозорига кириб келган янги операторлар, яъни “МТС”, “Билайн” ҳамда “Ucell” бу ракобатни яънада кучайтириб юборди.

Уяли алоқа абонентларининг сонни ўсишига эса уяли алоқа операторларининг ўз тариф режаларини арзонлаштирганлиги, шунингдек аҳоли даромадининг ошиши сабабчидир. Ҳозирги кунда уяли алоқа абоненти бўлибш учун фақатгина уяли алоқа телефони (уяли алоқа телефони нархлари ҳам тушиб бормоқда) ва 3 USD зарур. 2008 йили ойлик ўсиш 7-6% ни ташкил қилди, йиллик ўсиш эса 2008 йил учун 97%ни ташкил қилди. Бунақа ўсиш яна 1-2 йил давом этиши мумкин, кейин бу ўсиш секинлашади. Ана ўшандан кейин уяли алоқа операторлари ўртасида ҳақийқий рақобат бошланади, улар бир бирлари билан ҳар битта абонент учун рақобатлашишадилар, бу эса уяли алоқа операторларининг янги хизматлар ўйлаб топишига шароит яратади. Тариф нархларни пасайтириш доимо ҳам давом этавермайди, ҳозирги кунда деярли ҳамма тарифларда 1 дақиқа 0,02 USD, яна пасайтиришга тўғри келса компания ўз харажатларини қоплай олмаслиги мумкин. Учунчи давр 3G операторларини қўллаш эса яна харажатларни талаб этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, охирги пайтда деярли ҳамма уяли алоқа операторлари қўшимча тарифларга нархларини оширмоқдалар. Масалан, МТС "Билайн" ва Ucell Халқаро хабарлар учун нархларни икки баробарга оширди, яъни 6 центдан 12 гача, ҳар бир хабар(SMS) учун. Бун ҳолатни операторлар уяли алоқа операторлари орасидаги трафик харажатларини ошиши, деб изоҳладилар.

Абонетлар сонининг ўсиши эса, уяли алоқа операторлари тушумини ошиишга олиб келади. 2008 йил учунчи чорагига кўра тушуми 2007 йилга нисбатан 56,8% га ошди ва $103,1 млн. ташкил этди. OIBDA эса 59,3% ошди ва учунчи чоракда $65,5 млн.ни ташкил этди. Маржа OIBDA эса 63,5% ни ташкил этди, ва “МТС” нинг Ўзбекистондаги соф даромади 75,4%га ошди, 2007 йилга нисбатан $43,5 млн.га ошди.

2005 йил март ойидан бошлаб, Ўзбекистон ўяли алоқа бозорида "Узбектелеком мобайл" номли, АК "Узбектелеком" филиали ҳисобланган, CDMA-450 стандартида фаолият юритадиган компания очилди. 2008 йил июнь ойида CDMA-450 стандартини модернизациялаш бўйича ишлар якунланди. Бу модернизациялаш 6,6 млн. USD долл ҳисобида баҳоланди. Бу проектни молиялаштиришни Хитой тарққиёт банки амалга оширди. "Узбектелеком мобайл" тармоғини ривожлантириш бўйича инвестициялар ҳажми 18 млн. USD долл. ташкил этди. Натижада Ўзбекистон уяли алоқа бозорида яна бир рақобатчи пайдо бўлди.

“2009 йил I чорагида алоқа соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, тизимдаги корхоналар 2009 йилнинг биринчи чорагини ижобий натижалар билан якунлади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми – шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 26,3 фоизга, ёзма хат-хабарлар 2,4, жўнатмалар 1,0, пул ўтказмалари 4,6 фоизга ўсди. 2009 йил 1 апрел ҳолатига кўра мобил алоқа абонентларининг сони 13 млн. 151 мингтадан ошди. Чорак давомида мобил тармоққа 501 минг абонент уланди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан молиявий барқарорликни таъминлаш, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш борасида олиб борилган ишлар натижасида биринчи чорак якуни бўйича 3,3 млрд. сўм маблағ иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Республикамизда рақамли телевидениени ривожлантириш мақсадида Агентлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Тошкент шаҳрида рақамли телевидениени кенгайтириш ва Самарқанд шаҳрида рақамли телевидениени ташкил этиш бўйича тендер ҳужжатларини тайёрлаб, 2009 йил 27 март куни ёпиқ тендер эълон қилди. Мазкур ёпиқ тендерда Япониянинг “NEC”, Германиянинг “Rohde-Schwarz”, Литванинг

“Vigintos Elektronika” ва Украинанинг “Квант-Эфир” компаниялари иштирок этмоқда.

2009 йил апрел ҳолатига кўра, маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига уланиш хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони 859тани, жамоа масканларининг сони 873тани, интернетдан фойдаланувчилар сони 2,5 млн.тани ташкил қилди. Юртимизда Электрон рақамли имзо калитлари (ЭРИ)ни рўйхатга олиш марказларининг сони 4тага етди. Агентлик томонидан жорий йилнинг феврал ойида “Tillo Garant” МЧЖ ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Республикамиздаги барча ахборот-кутубхона марказлари (АКМ) “ZiyoNet” ахборот тармоғига уланган бўлиб, уларнинг веб-сайтлари яратилган ҳамда мунтазам янгиланиб бориляпти. Ҳисобот даврида АКМлар фонди 1187 нусхадаги адабиётга ошди.

“Коинот” ОАЖ томонидан биринчи чорак давомида 250,1 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 146,9 млн. сўмлик маҳсулот сотилган.

Ҳисобот даврида аҳолидан кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича 2246та мурожаат тушган. Бу кўрсаткич 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоизга кўпайган. Мазкур шикоятлар асосан маҳаллий телефон алоқаси сифатини таъминлаш бўйича ишлар сустлигини кўрсатади.

